Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 18 ИЮЛЬ, ШАНБА

№ 61 (5657).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

Фармон ва ижро

ИМКОНИЯТЛАР ТОПСА БЎЛАДИ

Ўқитувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, таълим тизимини янгилаш ва бунинг учун керакли шарт-шароитни яратиш шу кунинг долзарб ишларидан бирига айланиб қолди. Масалага жиддий киришган жумҳурият раҳбарияти аҳволни ўнглаб олиш мақсадида қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Чунончи, кетма-кет чиқарилаётган фармонлар, ойлик-маошларнинг тўхтовсиз оширилиб бораётганлиги келажак замнинни яратувчилар —мактаб ўқитувчиларини қувонтирмоқда, ҳар бир педагогни ўз устида жиддий ишлашга, масъулиятни ҳис этишга даъват этмоқда.

Лекин шунга қарамасдан жойларда чиқарилган фармонлар ижросини назорат қилиш, уни амалга оширишда аҳамиятсиз бўлиб келаётган маҳаллий раҳбарлар, афсуски, йўқ эмас.

Тошкент вилоятининг Паркент районида Ўзбекистон Президенти Фармонларини бажариш, ўқитувчилар олдида кўндаланг бўлаётган муаммоларни ҳал этишда бир талай ижобий ишлар қилинмоқда. Диққатга сазоворлиги шундаки, бу ишда райондаги барча ташкилотлар жиддий киришган.

Суҳбатдошларимиз — Паркент райони ҳокими Эркин Рўзматов, район халқ судининг ранси Анвар Абдуқодиров, район прокурори Ботир Ибрагимов, район халқ таълими бўлимининг мудири Бакир Махсилов ҳамда райондаги 5-қурилиш ташкилотининг бошлиғи Абдулла Оппоқхўжаевлар районда халқ таълимини юксалтириш борасида шу кунларда қилинаётган ишлар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Э. РЎЗМАТОВ: — Икки йилдирки, Ўзбекистон Президенти ўқитувчиларнинг моддий шароитларини яхшилаш мақсадида бир талай фармонлар ва қарорлар қабул қилди. Ўз вақтида ўқитувчиларга кўрсатилган бу ғамхўрлик бизни ҳам қувонтирмоқда. Гарчи бозор иқтисодининг мураккаблашиб бораётган бир даврида бу нарса амалга оширилаётган бўлса-да, ахир, келажакни мактабсиз тасаввур этиш мумкинми? Республика раҳбариятики, бу оқилона йўлдан борар экан бизнинг қўл қовуштириб ўтиришимиз инсофдан бўлмаса керак. Шу сабабли райондаги барча ташкилотлар масалага жиддий ёндашиб, мактаблар ишини биринчи галдаги вазифа қилиб қўйган.

Чунончи, районимиздаги барча мактабларда (улар сони 36 та), ўқитувчига ўртача 1 тоннадан кўмир, яшаб турган уй-жойларини шахсийлаштириб бериш, томорқа ажратиш (400 кишига), I—IV синф ўқувчиларини ҳар куни иссиқ овқат ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш йўлга қўйилди. Шу кунларда эса худди ана шу масала юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Таъкидлашни истардим, бисотимиздаги давлат хўжаликлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, мактабларга яқиндан ёрдамлашмоқда. Масалан, мактабларнинг ўз фондини яратиш мақсадида ҳокимият кенгаши билан фикрлашиб, энг серҳосил ерларимиздан ҳар бир мактабга ўртача бир гектардан ер ажратиб берилди. Эндиликда ана шу жойларда ўқитувчилар, ўқувчилар меҳнат қилиб, келаётган фойдани мактаб ҳисобига, бир қисмини эса ўзлари ойлик-маош тариқасида олишмоқда.

Характерли томонларидан яна бири, мактаб ўқувчиларини гўшт маҳсулоти билан таъминлаш ҳам йўлга қўйилди. Лекин нима бўлганда ҳам, ҳали бу ишларимиз билан қувонолмаймиз. Чунки мактабга ҳар қанча ёрдам қилсак ҳам, озлик қилади. Ахир, келажагимизнинг пойдевори шу жойда бўлгач, улардан меҳр-оқибатни дариғ тутиб бўладими?..

А. АБДУҚОДИРОВ: — Чет давлатлардан бирининг президентига давлатни юқори поғонага чиқариб олиш учун нима қилиш керак, деганларида — менга имкон яратишса, сўнгги чақамгача мактабга сарфлаган бўлардим, деган экан. Бу жавобнинг таг замирида катта маъно бор, албатта.

Жумҳуриятимиз мустақил бўлди. Бироқ бу мустақиллик оғир бир шароитга тўғри келди. Лекин шунга қарамай жумҳурият раҳбарияти имкониятлар қидириб топмоқда. Районимизда ўқитувчиларга берилаётган имтиёзларнинг бажарилишини адлия ходимлари ҳам жиддий назорат остига олган. Тўғрисини айтиш керак, икки йил аввалги кўнгилсиз воқеалар анчагина сабоқ бўлди. Шунингдек, фақат идорада ўтириб ишлаш ҳам натижа бермаслигини кўрсатди.

(Давоми 2-бетда).



АБИТУРИЕНТ–92

Абитуриентлар — кечаги мактаб ўқувчиларн бугун ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича илм олишни давом эттириш мақсадида турли олий ўқув юртларига ҳужжат топширишди. Олдинда кириш имтиҳонлари. Омад сизга, абитуриентлар!

Тасвирларда: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига қабул жараёнидан лавҳалар.

Суратқаш А. БОБОЖОНОВ.

Янгилаш даври, янгиланиш даври

БОШ ОМИЛ

Бола тарбияси инсон тараққиётининг ҳамма босқичида бош мезон бўлиб келган. Хўш, ҳозирги кунда ёшларни давр талаблари асосида тарбиялашга, сабоқ беришга ота-оналаримиз, муаллимларимиз қодирми? Билим чўққиларини эгаллашга, ундаги ўнқир-чўнқирларни босиб ўтишга фарзандларимиз тайёрми? — деган саволлар кишини ўйлантиради. Ҳаммамиз ҳам болаликни бошимиздан кечирганмиз, каттага ҳурмат, кичикка иззат, шафқат ҳиссини ёшлигимиздан руҳимизга сингдирдилар; тарбия билан ҳамма шуғулланарди. Оддий мисол: мўйсафидлар олдидан саломсиз ўтилса, дарҳол тўхтатишар ва танбеҳ беришарди, қани шундан кейин одобсизлик қилиб кўринг-чи!

Аммо вақт ўтиши билан яхши анъаналаримизни унутдик. Оилада фарзанд улғайса, мактабга ёки бирор ҳунарга шогирдликка бериладиган бўлса, албатта, отаси етаклаб бориб, бўлғуси устоз олдида «Шуни ўқитсангиз ёки ҳунарингизни ўргатсангиз, эти сизники, суяги бизники», деб фарзандини топшириб келарди. Отасидан бундай гапларни эшитган фарзанд бутун вужудини кўз-қулоқ қилиб ўқирди, ҳунар ўрганар эди. Ҳозир-чи, ҳозирги кунга келиб аҳвол қандай? «Бир болага етти маҳалла ота-онадир», деган удумимиз қаерда қолди, нега болани ўқишга ёки ҳунарга бўлган қизиқиши билан ҳисоблашмай қўйдик, нега таълимни 11 йиллик қилиб мажбурийга айлантирдик, нега фарзандимизга танбеҳ берган қўшнини ёки устозини болалар ўртасида обрўсини тўкаяпмиз. Ахир танбеҳ берган қолиб, ноқобил фарзандимиз ёнини олсак, бундан руҳланиб одобсизликни давом эттирмайди, деб ким кафолат бера олади. Ахир бе жиз айтилмаган-ку, «Эркалатса онаси, талтаяди боласи». Ўқиш, ҳунар ўрганиш учун ҳамма шароитлар яратилган, аммо сир эмас кейинги йилларда дарсликларнинг ўз вақтида етказиб берилмаётгани, мавжуд дарсликлар ўқув дастурларига мувофиқ эмаслиги ва бошқа бир қатор сабабларга кўра болаларнинг ўқишга бўлган қизиқиши пасайиб кетмоқда, бунда ўқитувчилар, ота-оналар, қолаверса, жамоатчиликни айбдор деб ҳисоблайман.

«Нима эксанг, шуни ўрасан», — дейди доно халқимиз. Кейинги йилларда жамиятимизда чуқур илдиз отган порахўрлик, чайқовчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, текинхўрлик сингари иллатлар бола тарбиясига ўз таъсирини кўрсатдики, бу ҳол боланнинг ўқишга муносабатида ўз аксини намоён қила бошлади. Дарс тайёрламаслик, топшириқларни бажармаслик, бесабаб дарс қолдиришлар шунинг натижасидир. Тарихчи сифатида айтмоқчиманки, «қайси мамлакатда, қайси замонда бўлмасин, маданият-маориф хор қилинса, иқтисодиёт ривожланмайди, сиёсат таназзулга юз тутади. Иккинчидан, турғунлик даврининг «Икки баҳосиз ва икки йилликсиз» — деган шиори бола тарбиясини бутунлай издан чиқарди, ўқиганга ҳам, ўқимаганга ҳам, мактабга қатнаганга ҳам, қатнамаганга ҳам «3» баҳо қўйиб, синфдан-синфга кўчириш ўқитувчини «қўшиб ёзиш»га ундаган бўлса, ўқувчида текинхўрлик уруғи пайдо бўлишига олиб келди. Қолаверса, ота-оналаримизда «бир кунини кўрар», — деган ёмон одат пайдо бўлиб қолди. Ўқиб олим бўлармиди, юрт сўрармиди, пул топишни билса бўлди-да, деб кўп ота-оналар болаларини мактабга юбормай, ҳужраларга ўқишга беришмоқда, қизларни уйда олиб қолиб, ўрни чиқса эрга бериб юборишмоқда. Шу ўринда ўқитувчи диндор ота-она билан жуда моҳирлик билан суҳбат ўтказишига тўғри келади. Мен раҳбарлик қилаётган 9-«а»-синфда А. исмли қиз мактабга

(Давоми 3-бетда).

Таклиф ва мулоҳаза

ТАРБИЯДА ЖАВОБГАР

Мактабда ўқувчи тарбиясига синф раҳбари биринчи даражали жавобгар шахсдир. Синф раҳбарлигидек ўта масъулиятли вазифани бажариш ўқитувчидан ғайрат-шижоатни, куч-қувватни, сабр-тоқатни талаб этади.

Ўқув йили бошланишиданоқ синф раҳбарининг масъулиятли, ташвишли кунлари бошланади. Синф бурчаги, синф газетаси чиқаради. Ўқувчиларни дарслик ва ўқув қуроллари билан таъминлаш ҳақида қайғуради, уларнинг кундалик дафтарларини мунтазам равишда текшириб боради, фан ва спорт тўгаракларига, фан олимпиадаларига қатнаштиради.

Синф раҳбари ота-оналар, барча фан ўқитувчилари билан доимий алоқада бўлади, синфида касб танлаш ҳаракати қоидаларини ўргатади, умуман, ўқувчилар жамоасига раҳбарлик ишига оид кўплаб ҳужжатлар юритади. У синф журнали учун жавобгар шахс.

Мактабда тарихий саналарга бағишлаб бўладиган бирор тадбир синф раҳбари иштирокисиз ўтмайди. Бу юмушларни бажариш устида синф раҳбарлари ҳафтасига камида 12 соат ишлашларига тўғри келади.

Умуман, синф раҳбарларининг машаққатли меҳнати ҳақида гапирар эканмиз, улар орасида яхши ишлайдиганлари ҳам, шунингдек, бу вазифани номигагина бажарувчилари ҳам борлигини қайд этамиз. Мактабимизда Муҳаммадамин Ниёзов, Бекмурод Ҳаитов, Муҳайё Бегматова, Фароғат Қурбонова ва бошқа ўқитувчиларимиз ўз ўқувчилари тавсифномасини тўла ўрганган ҳолда бирор ўқувчини эътибордан четда қолдирмайдилар. Ота-оналар йиғилишлари ва ўқувларида ўз фикрларини очиқ-ойдин гапириб, ота-оналарга педагогик маслаҳатлар бериб борадилар. Лекин улар лоқайд ишлайдиган бошқа ҳамкасблари қатори синф раҳбарлиги учун 30 сўмдан иш ҳақи олишмоқда. Назаримда, синф раҳбарлиги учун ҳам иш ҳақи тоифаларга қараб белгиланиши керак.

Юқори синфларда синф раҳбари тайинлашда қуйидагиларга амал қилинишини истардим: 5-синфнинг синф раҳбарлигини қабул қилаётган ўқитувчига шу синф ўқувчиларининг мактабни битиргунга қадар синф раҳбарлиги доимий қилиб топширилса, синф раҳбарлигига мактаб педагогик жамоасида, ота-оналар орасида ҳурмат-эътиборга, юксак обрўга эга бўлган, ўқувчилар руҳиятини яхши биладиган, ўқувчиларни севиб ҳурматлайдиган, уларга ҳар томонлама тарбия беришда ўрнак бўладиган, қобилиятли, илғор, камида уч йиллик педагогик иш тажрибасига эга бўлган ўқитувчилардан танланса.

Мактабда синф раҳбарлари метод бирлашмаси ишини яхшилаш орқали синф раҳбарларига аниқ, тўғри кўрсатмалар берилса. Йил давомида ўқувчилари таълим-тарбияда мактабда биринчи ўринни олган синф раҳбари метод бирлашма раҳбарлигига сайланса ва унга маълум миқдорда маош белгиланса, яхши бўлади. Бирлашма раҳбари мактабда ўқувчилар тарбиясини яхшилаш устида иш олиб бориб, ойида бошланғич синфлар раҳбарлари билан 5—8-синфлар, шунингдек, 9—11-синф раҳбарлари билан алоҳида-алоҳида йиғилишлар ўтказиб, синф раҳбарларига йўл-йўриқлар, методик маслаҳатлар, тавсиялар бериб борса, кўзланган мақсадларга эришишда силжиш бўлиши шубҳасиз.

Педагогика олий илмгоҳларининг математика, тил-адабиёт, рус тили, тарих, чет тили каби факультетларида синф раҳбарлиги бўйича билим берилиб, дипломларида қайд этилса, шунингдек, малака ошириш институтларида синф раҳбарлиги курслари ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Хуллас, жамиятимизнинг истиқболи кўп жиҳатдан мактабга боғлиқ экан, бунда синф раҳбарлиги билан алоқадор муаммоларни ҳал этишга жиддий эътиборни қаратиш лозим.

Р. НАСИМОВ,
Навбаҳор районидаги 24-ўрта мактаб директори.

САВОД БАЙРАМИ

Қаршн шаҳридаги 3-ўрта мактабда «Эски ўзбек алифбоси» байрами ўтказилди. Тантанада ўқувчиларнинг араб тилида айтган табриклари, «Қуръони Карим»дан келтирган суралари, Ҳадиси Шарифдан ўқиган намуналари — уларнинг ҳар бир кўринишни моҳирона ижро эта олиш санъатини пухта эгаллаганликларидан дарак берди.

Байрам сўнгида илми толиблар ўзларига илк алифбо сабоғини берган муаллима М. Темировага қўлларида гулдасталар ила миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилдилар.

Ў. КЕНЖАЕВ.



ҲАРАКАТДАГИ ВАТАНПАРВАРЛИК

Ватан ҳар бир хонадоннинг остонасидан бошланади. Оилада камол топаётган ўғил-қизлар Ватанни севишни ўз уйидан бошласа, мактаб ва жамоатчилик бу тушунчаларни янада бойитиб, ёшларни кенг маънодаги ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашади. Ўз Ватанини севган киши уни ҳимоя қилиш масъулияти борлигини ҳам асло унутмаслиги лозим. Самарқанд вилояти Пастдарғом ноҳиясидаги меҳнат ва уруш фахрийлари кенгаши ранси, истеъфодаги капитан Насрулло Латипов етакчилигидаги педагогик меҳнат ветеранлари бошлаган хайрли ташаббус ўқувчи-ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига катта кўмак бераяпти.

Улар ташаббуси билан «Оталар жасорати — ёшларга мерос» шиори остида учрашувлар ўтказилмоқда.

Ана шундай кўргазмали, таъсирчан учрашувлар ноҳиядаги 7, 18, 24, 28, 29, 34, 43-ўрта мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчилар жамоасида унутилмас таассурот қолдирди. Бу учрашувларда қатнашган Тўйли Оллоёров, Шаққоз Ҳасанов, Насрулло Латипов, Қозоқ Мирзаев сингари меҳнат, уруш фахрийларининг жасоратларга бой жанговар йўли ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, мустақил республикамизга чексиз муҳаббат, унинг душманларига нисбатан беҳад нафрат руҳида тарбиялаб, дўст билан душманнинг фарқига боришни ўргатаяпти.

Н. ЭШҚУВВАТОВ.
Пастдарғом районидаги 24-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Етилган муаммолар ҳақида мактублар

ЗАРУРАТ СЕЗИЛМОҚДА

Шу кунларда салкам бир ярим аср давомида топталиб келган ғурурини қайта тиклаётган, элу элатлар орасида ўз ўрни борлигини тан олдириб, жаҳоннинг энг нуфузли халқаро ташкилоти — БМТ эътиборига сазовор бўлган жонажон Ўзбекистонда яшаб том маънода ўзини унинг фуқароси санаётган кишилар қувончининг чегараси йўқ.

Эндиликда тарих тақозосига кўра, Ўзбекистон ўз номидан халқаро спорт мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлаётирки, бу шу соҳага бурч ва масъулият билан ғамхўрлик кўрсатишни кун тартибига қўймоқда.

Яқинда Ўзбекистоннинг миллий олимпиада қўмитаси тузилганлиги шу йўналишдаги муҳим қадамдир. Жаҳон олимпиада қўмитасига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириш ва халқаро спорт мусобақаларида Ўзбекистоннинг спорт шарафини тиклаш мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги мавқеи учун курашнинг ўзига хос кўринишн бўлиб, бу тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Шу мулоҳазалардан маълумки, Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни халқ турмушига чуқурроқ ва кенгроқ сингириш учун янги типдаги мутахассис кадрларга зарурият сезилмоқда. 1990 йилдан эътиборан болалар боғчалари учун жисмоний тарбия муаллими ўрни берилди. Лекин бундай ихтисос бўйича кадр тайёрланаётгани йўқ. Жумҳурият мактабларида ўнг мингга яқин жисмоний тарбия ўқитувчиси етишмай турган пайтда 1990 йилдан бошлаб бошланғич синфларда жисмоний тарбия дарслари бир соатга қўпайтирилди. Бу соҳада ҳам ихтисослашган ўқитувчилар тайёрлаш пайсалга солинмоқда. Машғулотларни тасодифий кишилар ўтаётганлиги сабабли маҳаллий аҳоли ўртасида жисмоний тарбия оммавийлашмаётир.

Ана шу ташвишли ҳолатни бартараф этиш учун нима қилмоқ лозим? 21 миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистонда биттагина давлат Физкультура институти ишлаб турибди. Унда асосан юқори малакали спортчи ва тренерлар тайёрланади. Илгари жумҳуриятдаги саккизта педагогика институтида физкультура муаллимлари тайёрланарди. Улар университетга айлантирилиши муносабати билан бундай ихтисос бўйича кадрлар тайёрлаш аҳволни таҳликали қилиб қўйди. Афтидан, эндиликда Қозоғистон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тугатилган педагогика институтларининг жисмоний тарбия факультетлари базасида регионлар бўйича камида икки мустақил жисмоний тарбия педагогика институти ташкил этиш лозимга ўхшайди. Бундай жисмоний тарбия педагогика институти, Ўзбекистон давлат физкультура институтидан фарқли ўлароқ, асосан турли босқичдаги таълим масканлари учун жисмоний тарбия ўқитувчилари тайёрлашга ихтисослаштирилмоғи даркор. Бизнингча, мактабгача тарбия мураббийси ҳамда бошланғич таълим муаллимини жисмоний тарбия ихтисослиги билан қўшган ҳолда тайёрлашга ўтиш керак. Буни жисмоний тарбия педагогика институтларида ўзига хос факультетлар тарзида шакллантириб, ўқув дастурлари ва режаларини ишлаб чиқиш пайти келди. Шунингдек, жисмоний тарбия ва биология, жисмоний тарбия ва жуғрофия, жисмоний тарбия ва тарих ихтисосларини ўргатиш асосида мутахассислар тайёрлашни ҳам йўлга қўйиш мумкин. Бу соҳада жисмоний тарбия ва бошланғич ҳарбий таълим қўшма ихтисослиги бўйича педагоглар тайёрлаш тажрибаси бор. Юқорида келтирилган ихтисослар бўйича педагоглар тайёрлаш тажрибасини эса Чимкент давлат жисмоний тарбия педагогика институтидан ўрганиш мумкин.

Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий ва Хоразм вилоятлари учун жисмоний тарбия соҳасида ўқитувчилар тайёрлашни собиқ Бухоро педагогика институтининг жисмоний тарбия факультети негизида, регионал жисмоний тарбия педагогика институти ташкил этган ҳолда, йўлга қўйиш мумкин. 1964 йилда ташкил этилган бу факультет мустаҳкам ўқув базасига ва юқори малакали илмий-педагогик кадрларга эга.

Факультетда таҳсил олган талабалар сафида СССРда хизмат кўрсатган спорт усталари, самбо кураши бўйича жаҳон ва Европа чемпионлари, Халқаро тоифадаги спорт усталари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тренерлар, ёшлар ўртасида самбо кураши бўйича жаҳон чемпионлари ҳам бор. Шу кунгача факультетда таълим олганлардан жаҳон чемпионларининг 5 ғолиби ва совриндорлари, Европа чемпионатларининг 3 ғолиби, собиқ иттифоқ спартакиадалари чемпионатларининг 11 ғолиби ва совриндорлари, Ўзбекистон чемпионатлари ва спартакиадаларининг 100 дан зиёд ғолиблари ва совриндорлари етишиб чиқди. Шулардан 2 киши СССРда хизмат кўрсатган спорт устаси, 3 киши халқаро тоифадаги спорт устаси, 41 киши СССР спорт устаси, мингдан зиёд СССР спорт усталигига номзодлар, талай биринчи даражали спортчилар, факультетнинг баскетболчи қизлар дастаси МДҲ миқёсида спорт усталари А гуруҳининг иккинчи лигасида муваффақият билан қатнашмоқда.

Мана шуларни ҳисобга олиб собиқ Бухоро педагогика институтининг жисмоний тарбия факультети негизида жанубий Ўзбекистон вилоятлари ва бошланғич мактаблари, болалар боғчалари учун олий маълумотли жисмоний тарбия ўқитувчилари тайёрлайдиган кенг профилли ихтисослашган махсус регионал жисмоний тарбия педагогика институтини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бинобарин, масалани пайсалга солмай, ўрганиш ва ҳал қилиш ҳаёт талабидир.

Қ. АТОЕВ,
педагогика фанлари доктори, профессор.

ИМКОНИЯТЛАР ТОПСА БЎЛАДИ



(Бошы 1-бетда.)

Кенгашимиз аъзолари кўпроқ мактабларда, давлат жамоа хўжаликларида, қурилиш ташкилотларида бўлишиб, ўқитувчиларга берилаётган имтиёзлар қай йўсинда бажарилаётганлигини назорат қилиб бормоқда. Бошқа районларда қандайлигини билмадим-у, лекин мақтанишга йўймаймиз, ҳозиргача бизда бирор ўқитувчи арз билан келган эмас. Бунинг учун фурсатдан фойдаланиб, райондаги барча ташкилотларнинг раҳбарларига миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Лекин...

Таассуфки, жиноятчиликка қарши кураш, вояга етмаганлар ўртасида кўнгилсиз ҳодисаларнинг содир бўлиши, ўқитувчини ҳақоратлаш каби ҳоллар қайд этилаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Яхшиси бу ҳақда район прокурорининг фикрини эшитсак.

Б. ИБРАГИМОВ: — Имтиёзларнинг ижроси ҳақидаги фикрларни эшитдик. Мен таълим-тарбиядаги баъзи муаммоларга тўхталмоқчиман. Ўқитувчилар қаторида ўқувчиларга ҳам бир талай қулайликлар яратилгани сир эмас. Масалан, дарсларга ихтиёрий қатнашиш, ўқитувчининг айрим ҳуқуқлари чегараланганлиги, ўқувчи учун, айтиш мумкинки, баъзи «эркинлик»лар яратди. Натижада муаллим баъзи ҳолларда оғир вазиятга тушиб қолмоқда. Яқинда шундай нарса содир бўлди: ўқувчи дарсга кирмасдан безорилик қилиб юргани туфайли ўқитувчиси уни урган. Унинг ота-онаси мактабга келиб ўқитувчини қаттиқ ҳақорат қилган, ҳатто тан жароҳати етказиб, яна судга берган. Биз масалани жиддий ўрганиб, муаллимга ҳеч бир чора кўрмадик.

Назаримда, ота-оналаримиз бир нарсани ҳанузгача тушуниб етмаётганга ўхшайдилар. Наҳотки, фарзанд тарбияси фақат ўқитувчининггина иши бўлса? Болани ҳар бир нарса учун эркалаш, тарафини олиш келажакка яна ҳам каттароқ жиноятларга йўл очиш билан баробар эмасми?

Йўқ, менинг фикримча, адолат тошини тўғри тутишнинг пайти етиб келганга ўхшайди. Акс ҳолда ўқитувчининг моддий жиҳати мустаҳкамлангани билан қадри йўқолиб кетавериши мумкин. Мен ўқитувчини боғбонга ўхшатаман. Боғбон эса эккан дарахтини ҳеч қачон қинғир-қийшиқ ўссин, умри қисқа бўлсин демайди.

Б. МАХСИЛОВ: — Кейинги икки йил ичида ноҳия халқ таълими бўлимини қайта қуриш борасида бир талай ижобий ишлар қилинди. Жумладан, ўтган йили бошланғич ҳамда юқори синф ўқитувчиларига 6144,6 минг сўм, бу йил эса 6866,8 минг сўм миқдорида оширилган ойлик маош маҳаллий бюджет ҳисобидан берилди. Фармонларда кўрсатилган қатор имтиёзлар йил давомида бажарилиб борилмоқда. Айниқса, ер-участкалари олиб, қурилиш материаллари таъминотидек оғир муаммонинг ҳам ҳал бўлаётганлиги ишимизни янада дадиллантиришга, муаллимларимизни ижодкорликка даъват этмоқда.

Мактабларимиз фаолиятини яхшилаш, ўқитувчиларимизни моддий таъминлашда бир қатор оталиқ ташкилотларининг алоҳида хизматларини таъкидлаш ўринлидир. «Коммуна», «Ленинобод», Паркент совхоз-заводи, Сўқоқ каби давлат хўжалиги жамоалари мактабларимизни ремонт қилиш, қўшимча синф хоналари қуриб бериш, ўқувчиларга алоҳида стипендиялар ажратишда бошқа жамоа хўжаликларга ўрнак бўлиб келишмоқда.

Хуллас, қилинаётган ва амалга оширилган ишларнинг сонини яна кўп рақамлар билан келтириш мумкин. Аммо гап фақат ҳозир бажарилаётган ишда эмас, балки келажакда ҳам ҳар бир ташкилот, ҳар бир ота-она мактаб, ўқитувчи, ўқувчидан ўз меҳрларини дариғ тутмасалар бўлгани.

А. ОППОҚХУЖАЕВ: — Бозор иқтисодиёти мураккабликлари қурилиш ташкилотидаги мутасаддилар олдида ҳам кўплаб муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Жумладан, мактабларда қўшимча синф хоналарини қуриш, янги мактаблар барпо этиш, ўқитувчиларга керакли қурилиш материалларидан ёрдам бериш каби долзарб ишлар бизга қурувчиларни шошириб қўяяпти. Лекин район раҳбарияти бюджетдан маблағ ажратиб олишга биринчи навбатда ёрдам берди. Натижада шу кунгача, яъни ҳамма мактаб (бизга юклатилганлари) ремонтдан чиқарилди. Шунингдек, табиий офатдан зарар кўрган мактаблар ҳам янги ўқув йилига тўла тайёр қилиб қўйилди.

Фикримча, ҳозир мактаб иши энг долзарб мавзу бўлиб қолаётган экан, демак, ҳар бир киши унга ўзини масъул деб билмоғи даркор. Дарвоқе, алоҳида таъкидлаш жоизки, қурилиш ишларини тезроқ якунлаб олишга ота-оналар ҳам бизга яқиндан кўмаклашишмоқда.

Биз қурувчиларнинг олдимизда ҳали қилиниши керак бўлган юмушлар талайгина. Янги ўқув йилигача барчаси амалга ошишига, хусусан, мен кафиллик бера оламан...

А. АКМАЛОВ,
А. ҲАҚБЕРДИЕВ.

Компьютерлаштириш—таълимни янгилаш омили

БУЁҒИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?..

Мамлакатимизда собиқ СССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсатисиз, собиқ СССР Маориф вазирлигининг буйруғига асосан, (IX) X ва (X) (XI) синф ўқувчиларига 1985-86 ўқув йилидан бошлаб янги фан сифатида «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» ўқитила бошланди. Ҳозирги кунда ўқув даргоҳларини компьютерлаштириш давр талабига айланди. Бугунга қадар кўпгина қишлоқ мактабларига ҳам компьютерлар етиб борган. Лекин уларнинг жойлаштирилиши қандай? Улардан тўғри фойдаланяпмизми? Шу каби саволлар мутахасисларни кўп ташвишга солади.

Бу сўзни ёзишимга сабаб — кўпгина қишлоқ мактаби директорлари компьютерларни талабларга умуман жавоб бермайдиган синф хоналарининг бирортасига ўрнатиб, қолган барча ишни информатика кабинети мудирига юклайди. Гўёки бу иш унинг вазифасидай.

Баъзи қишлоқ мактабларида айнан шу соҳа мутахассислари бўлмаган (кўпчилиги математиклар ёки физиклар) ўқитувчилар ишлашади. Ноҳия ва вилоят халқ таълими бўлимидан текширишга келганлар эса барча кабинет меъёрларини ўқитувчидан сўрашади. Яъни қишлоқларда мактаблар типовой эмаслиги — бир қаватлилиги сабабли деразаларга темир панжаралар ўрнатилган бўлиши, ўт ўчириш мосламаси, дорихона сумкаси, эшикда сигнализация ва панжара бўлиши керак. Назоратчи эса: компьютерларнинг чехоли нега йўқ? Синф хонаси нега совуқ? — дея, шунга ўхшаш нарсаларни ўқитувчидан сўрайди-да, кабинетдаги камчиликлар, деб ёзиб кетади. Ўқитувчига методик ёрдам бериш эса хаёлига ҳам келмайди. Ваҳоланки, юқоридаги камчиликларнинг бари мактаб маъмуриятига тегишли.

Ҳозирги кунда баъзи матбуот маълумотларига кўра, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва бошқа айрим вилоят марказларидаги ўрта мактаблар компьютерлаштирилиб бўлинган. «Ишонч» рўзномасида, эндиликда Тошкент шаҳридаги боғчаларни компьютерлаштириш масаласи кўтарилмоқда, дейилган.

Бир вақтлар собиқ Ўзбекистон Халқ таълими вазири М. А. Зоидов ўз нутқида Қорақалпоғистон АССРда, республика вилоятларида 522 та ўқув-ҳисоблаш техникаси билан жиҳозланган синфлар бор, ўн учинчи беш йилликнинг охирига келиб бундай синфлар ҳар бир мактабда бўлади, деб айтган эди («Ўқитувчилар газетаси», 1989 йил 24 май).

Шу ўринда фикр туғилади кишида. Бугунги бундай оғир бозор иқтисодиёти шароитида баъзи корхоналарни хусусийлаштириш ёки ижарага берилаётган бир пайтда қишлоқ мактабларини жуда қимматбаҳо ва жуда ҳам керакли, қишлоқ ўқувчилари ҳамон орзиқиб кутаётган компьютерлар билан таъминлаш оғир бўлса керак.

Кўпгина қишлоқ мактабларидаги компьютерлар ўқувчиларнинг одатдаги ўқув столларига (эни 0,5 м, бўйи эса 1,18 м) ўрнатилган. Ўтирадиган стуллари ҳам жуда оғир, қўпол. Столга компьютернинг тизимли блоки билан клавиатураси) қисмлари зўрға сиғади. Бу эса ўқитувчи ва ўқувчиларнинг эркин ҳолатда ишлашига халақит беради.

Мен «Ишонч» рўзномасида берилган мақоладаги қуйидаги фикрни ҳам мутахассис сифатида маъқуллайман. Яъни синфдаги ўқувчилар сони 20 та ва 20 тадан ошгандан кейин шаҳар ва қишлоқлардаги синфлар информатика дарсларида икки гуруҳга бўлинаверишлари керак. Бундан ташқари, мен қуйидаги шахсий фикрларимни ҳам билдирмоқчиман:

Чет давлатлардагидек, боғчаларни компьютерлаштиришга ўтишни бироз тўхтатиш керак. Қишлоқ мактабларини компьютерлаштириш жуда ҳам суст олиб борилаётган бир пайтда шаҳар боғчаларини компьютерлар билан таъминлаш замизда жами 48 та ўрта мактаб бор, компьютер синфлари сони эса бор-йўғи 6 та, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, қачон ноҳиядаги мактаблар компьютерлар билан тўлиқ таъминланади? Бу ёғи қимматчилик бўлса... Бундай ноҳиялар мустақил Ўзбекистонимизда юзлаб топилса, ажаб эмас.

Қишлоқ мактабларига компьютерларни ўрнатиш учун мактаблар ёнида махсус хоналар қуришни режага киритиш (қишлоқ шўроси режасигами...) ва тезлаштириш керак. Буларни қураётганда келажакда кўпгина фанларнинг компьютерларда ўқитилишини, имтиҳонларнинг компьютерларда топширилишини эътиборга олиш зарур. Бундан ташқари, компьютерлардан дарсдан сўнг ва таътил кунларида ҳар хил ҳисоблаш ишларида фойдаланиш мумкин. Яъни ўз-ўзидан «Мактаб ҳисоблаш маркази» тузилади ва ўз-ўзини бозор иқтисодиёти шароитида, қисман бўлса-да, маблағ билан таъминлайди.

Мактабларга компьютерлар билан биргаликда уларга мўлжалланган махсус ўқитувчи ва ўқувчилар столлари, стуллари ўрнатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Яна бир муаммо. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан, Ўзбекистон Президентининг чиқарган фармонларига асосан, барча фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлашнинг меъёр ва кўрсатмалари ўзгарди. Лекин информатика фани ўқитувчиларига ҳамон эски собиқ СССР Маориф министрлигининг 1985 йил 16 май, СССР Меҳнат Давлат комитети ва ВЦСПС нинг 1985 йил 26 июлда чиқарилган буйруғига асосан, кабинет учун 10 сўм ва ҳар бир ишлайдиган компьютерлар учун 5 сўмдан ҳақ тўланиб келаяпти. Собиқ СССР йўқ бўлган бир пайтда чиқарган юқоридаги буйруқларидан фойдаланмасдан, батамом воз кечиб информатика фанини ўқитишнинг (айниқса, қишлоқ шароитида) ўзига хос қийинчиликларини ва келажакка, яхши кунларга олиб борувчи фанлардан эканлигини эътиборга олиб, шу фан ўқитувчиларига ҳам ҳақ тўлашнинг янги шаклига ўтиш давр тақозосидир.

Бахтиёр БЎРОНОВ,
Навоий вилояти Нурота ноҳиясидаги О. Бозоров номли 9-ўрта мактабнинг информатика ўқитувчиси.

ОТА-ОНА МАСЪУЛИЯТИ

Оилада тартиб-интизом қай даражада ташкил этилган бўлса, вояга етаётган ўғил-қизлар ҳам ана шу тартиб-интизом асосида тарбияланади. Агар оилада ота-она ҳар томонлама ақл-фаросатли, идрокли, одамлар ўртасида обрў-эътиборга сазовор кишилар бўлишса, ўғил-қизлар ҳам ҳавас қилса арзигудек фарзанд бўлиб етишади. Ана шундан келиб чиқиб, биз оилада даставвал ота-оналар ўзаро готув, ҳамжиҳат бўлишларини уқтирамиз.

Мактабга илк бор қадам қўйган болаларга назар солсангиз, уларнинг юриш-туриши, феъл-атворида ҳар хилликни кўрасиз. Баъзи ўғил-қизлар ёшлигиданоқ юришида, муомаласида, кийинишида бошқалардан фарқ қилади, уларга қараб, ҳатто ҳавасингиз ҳам келади. Айрим болаларни кўриб афсус қиласиз, холос. Чунки бундай болалар ота-оналари хулқ-атворларидан андоза олишган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқларимизда кейинги йилларда турмуш маданияти бирмунча юксалди. Одамларимиз анча маданиятли ҳаёт кечирадиган бўлишди. Бу нарса ҳам ёшларимиз тарбиясига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Кўпчилик ота-оналаримиз бола тарбиясига алоҳида эътибор беришни ўзларининг асосий бурчлари деб қарашмоқда. Шаҳрисабз ноҳиясидаги Улуғбек номли жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи Р. Бегимов, Р. Пирназаров, М. Сатторов, Ҳ. Мусурмонқулов, Ф. Исматов, И. Файзиев, Ф. Орзиқулов каби ўнлаб кишилар оиласи шулар жумласидандир.

Бироқ қишлоқдошларимиз орасида бола тарбиясига эътибор бермай, фарзандларини яхшилик ўрнига бадхулқ қилиб тарбиялайдиган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Ана шундай кишиларнинг фарзандлари мактабда, жамоат жойларида ўзини тута билмайди. Атрофдагиларни, кексаларни менсимайдиган фақат ўзини ўйлайдиган бўладилар. Бундай болалар, ҳатто оддий кийиниш маданиятини ҳам билишмайди. Улар меҳнатга лаёқатсиз, ўқувсиз бўлиб вояга етадилар.

Жумҳуриятимиз мустақилликни қўлга киритди. Ана шу ҳақиқий истиқлолни мустаҳкамлайдиган, юксалтирадиган кишилар ҳозирги ёшларимиздир. Бунинг учун ўғил-қизларимиз меҳнатсевар, ақл-идрокли ва ҳақиқий билимдон бўлиб етишишлари керак. Чунки қайси мамлакатнинг ёшлари интилувчан, билимли бўлса, ўша мамлакат ҳақиқий ривожланган давлатга айланади. Шунинг учун ёшларимиз тарбиясига ҳар бир ота-она чуқур масъулият билан қараши керак.

А. МУҚИМОВ.

АКС САДО

ХАЙРЛИ ИШГА ҲИССАМИЗ

Кейинги пайтларда мусиқа санъатимизнинг миллий тақдири ва бугунги долзарб муаммолари тўғрисида мунозаралар авж олди. Бу мустақиллик шарофати, миллий мусиқа санъатимиз истиқболи йўлида қутлуғ омилдир.

Бугунги мусиқа маданиятимизга Оврупо, кўпроқ рус мусиқа жанрларидан кириб қолган опера ва балет, оркестр ва академик хор санъатининг тақдири кўпчиликни қизиқтирмоқда. Миллий-маънавий истиқлол йўлида бу табиий ҳолдир.

Мусиқа шинавандаларини кўпроқ хор санъатимизнинг тақдири қизиқтирмоқда. Чунки хор жамоавий қўшиқчилик санъатининг оммавий туридир. Афсуски, бу буюк санъатимизнинг миллий асослари, турлари, тарихий шаклланиши, ишлаш услублари ҳозирча илмий-амалий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилмаган. Агар биз миллий хор ва оркестр санъатимизни ривожлантирсак, П. Чайковский, Н. Римский-Корсаков, М. Глинка, Ж. Верди, Ф. Шопен, С. Рахманинов каби умумбашарий композиторлар асарларини чин бадиий тарзда идрок этишга мушарраф бўламиз.

Юқоридаги фикрларни баён этишга мени «Маърифат» рўзномасида хоршунос мутахассис, доцент Н. Қозиевнинг «Мақом — ифтихоримиз, хазинамиз...» (1992 йил 3 март) мақоласи ундади. Хоршунос олимнинг мунозара майдонига чиққанини олқишлаган ҳолда унинг бир қатор фикрларига ўз муносабатимни билдирмоқчиман.

Мақолада «Агар Ўзбекистонда хор санъати, айниқса, халқ хори турларини ривожлантириш мақсад қилиб қўйилган бўлса, бу нотўғри йўл», дейилади. Ўйлайманки, юқоридаги далиллар бу даъвони рад этади. Умуман, хор санъатини ривожлантиришга келсак, миллий санъатимизнинг тарихи, турлари, таълимий ҳамда ижро усулларини ўрганмай туриб, миллий академик ижрони равнақ топтириш қийин. Шу боис мен Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида халқ мусиқаси ва хори қафедрасининг таъсис этилганлигини ўз мақоламда қўллаб-қувватлаган эдим. Албатта, мазкур кафедра юқоридаги муаммоларни тўла ҳал қилмайди. Аммо «изланганга толе ёр», дейдилар. Бу соҳада жиддий изланиш олиб бориш лозим.

Мақолада, «болаларга бир овозлик, қийин, жуда ҳам зўриқиш билан қуйланадиган, мукаммал мазмундаги мақом ашулалари керак эмас», дейилади. Буни қандай тушуниш мумкин? Самарқандда мақомларга бағишлаб ўтказилган халқаро мусиқа симпозиумида ўсмирларнинг миллий мақомларни катта авжларда булбулсифат сайраб куйлаганлари ҳам бу даъвони рад этади. Халқимиз орасида худо юқтирган хушовозлар кўп. Саттор Ярашев, Саодат Қобулова, Замира Суюнова, Мунажот Йўлчиева, Сафия Сафтарова, Ҳуррият Исроилова, Таваккал Қодиров, Матлуба Дадабоева каби юзлаб машҳур хонандаларимиз мактаб саҳнасида мақом ашулаларини айтиб вояга етганлар.

«Мақом ашулаларининг аксарияти мумтоз шоирларнинг шеърларига басталанган бўлиб, асосан ишқ-муҳаббат, севги-вафо ҳақида куйланади. Мактаб мусиқа ўқитувчилари аввал ўзлари асар мазмуни ва ғоясини тушуниб, сўнгра мактаб болаларига тушунтира бера олишлари керак», дейилади мақолада. Мазкур масалада муаллиф ҳақ. Мақомларимиз мукаммал мусиқий шакл, баркамол бадиий мазмун ва чуқур фалсафий ғояларга бойдир. Унинг ҳар бир мусиқий унсурлари бой мантиққа эга. Чунончи, «Рост» мақоми ростгўйлик, ҳалоллик ғоясини англатади. Мақомларимизнинг ғазалиёт матнлари эса тингловчиларда одамийлик, меҳнатсеварлик, эътиқод, садоқат ва вафони тарбиялайди.

Мақола муаллифи 7—8-синфларда мақом ашулаларини куйлашни маслаҳат бермайди. Дарҳақиқат, бу ёшда ўқувчилар жисмида раста (мутация) авж олади. Аммо бу даврда уларни қўшиқ куйлаш завқидан маҳрум этиб бўлмайди. Сўнгги тадқиқотлар мутация даврида ўқувчиларнинг овозига мос қўшиқларни енгил куйлатиш мутация жараёнининг текис ва енгил кечиши, айниқса, овозларнинг муваффақиятли шаклланишига ижобий таъсир этишини кўрсатмоқда. Шу боис мақомларни кўпроқ тинглаб, таҳлил этиш ва осон қисмларини куйлаш билан ўрганиш мақбул.

Д. ОМОНУЛЛАЕВ,
Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, доцент.



Пойтахтдаги 468-болалар боғчаси тарбияланувчиларининг бахти кулган экан. Негаки, Насиба Ҳакимова уларга турли хил қўғирчоқлар иштирокида томоша кўрсатишни ўргатса, Дилором Боботуллаева эса «Тирик бурчак»даги хилма-хил тувакгуллар ва сайроқи қушлар маконига сайр қилишни ташкил қилаяпти.

Тасвирларда: куюнчак тарбиячилар Н. Ҳакимова ва Б. Боботуллаевалар жажжилар қуршовида.

Р. АЛЬБЕКОВ суратлари.

Яхшиларнинг умри боқийдир

Л. ТЎРАХОНОВ: «Дадам билан фахрланаман!»

АНДИЖОН РАЙОНИДАГИ 14-ЎРТА МАКТАБ ДИРЕКТОРИ ЛЕРМОН ТЎРАХОНОВ БИЛАН ЖАМОАТЧИ МУХБИРЛАРИМИЗ СУҲБАТЛАШДИ. ҚУЙИДА АНА ШУ МУСОҲАБАНИ МУШТАРИИЛАР ДИҚҚАТИГА ҲАВОЛА ЭТАМИЗ.

— Лермон Султонович, Сизларнинг оилангизни муаллимлар сулоласи дейишади. Шу хусусда, тўғрироғи, отангиз ҳақида мукаммалроқ гапириб берсангиз.

— Мен бундай саволнинг берилишини узоқ йиллар орзиқиб кутган эдим. Бугунги шодиёна кунда падари бузрукворим Султон Тўрахонов номининг мактабимизга қайтариб берилишидай улуғ айём дақиқада ҳаяжонимни яшира олмайман. Мустақиллик, истиқлол чироғи порлаган кунлар, унинг нурафшон ёруғи бизга ҳам кулиб боқди. Дадам раҳматлик 1908 йилнинг 5 майида Самарқанднинг Ғаллаорол районида ўрта деҳқон оиласида таваллуд топган эканлар. Педагогик иш фаолиятини 1925 йилдан Андижон районининг собиқ Сталин, «Ленинград» жамоа хўжаликлари ҳудудидаги Қайраҳочтаги, Ленин участкаси, Бешбўйноқ ва Экинтикин маҳаллаларида 12-, 13-, 14-, 15-мактабларни очиш, ташкиллаштириш ва мазкур мактабларда турли фанлардан дарс беришдан бошлаганлар...

— Бу қишлоқ асли қаҳрамонлар, илм-фан жонкуярлари, мураббийлар, устозлар масканидир. Даҳамиздан етишиб чиққан ўн бир Меҳнат Қаҳрамони, бир неча фан арбоби, эл-юрт эътиборини қозонган мураббийлар деган даъвоимизни далиллай олади. Султонхон ака ҳам ана шундай дили ва тили пок, ростгўй зиёлилардан эдилар. У киши анча вақт раҳбарлик лавозимларида ҳам ишладилар...

— Ҳа, 1941 йилдан район, вилоят халқ таълими бўлимларининг мудирлиги лавозимида ишладилар. Ўн икки йил муттасил равишда Андижон район халқ маорифи бўлимини бошқардилар. 1951 йилдан то умрининг охирига қадар 13-сон бошланғич мактабда муаллимлик қилдилар. Аслида эса мана шу биз ишлаб турган 14-ўрта мактабнинг асосий ташкилотчиси, муаллими, қишлоқ агитатори эдилар...

— Лермонжон, дадангизга қадар ушбу мактабда кўп муаллимлар, раҳбарлар ишлаган. Улар ҳақида ҳам бир-икки оғиз гап айтсангиз.

— Жуда тўғри. Район халқ маорифи бўлимида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи марҳум Михаил Абаевич Ёқубов, Абдулҳамид Давронов, мазкур мактабда эса Одилова, Ҳожиматов, М. Собиров, халқ маорифи аълочиси Нўъмонжон Йўлдошевлар директор бўлиб ишладилар. Айниқса, Муҳаммаджон Собиров, Абдумалик Холиқов, Муталлибжон Мамажонов сингари марҳум халқ маорифи аълочилари дадамнинг энг яқин дўстлари, сафдошлари эдилар.

— Ҳа, жонкуяр муаллим, тинниб-тинчимас раҳбар Султон Тўрахонов меҳнатлари 1944 йилда Ленин, кейинроқ Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари билан тақдирланган. Муаллим учун бу мукофотлар ўша даврда ниҳоятда нуфузли эди-да.

— Гап мукофотда ҳам эмас. Аслида, кимнинг қандай эканлигини халқ билмоғи керак. Дадам мени анча ёш деб ўйлаган бўлсалар керакми, ўз васиятлари орасига мана шундай сўзларни битган эдилар. «Нуридийдам, мен Сизни ҳассос шоир Лермонтов номидан олинган ўзлаштирма исм билан атадим. Умрингиз ўхшамасин, узоқ яшанг. Сизга бирдан-бир ўгитим, виждонни бамисоли бир қаср деб билсангиз, унинг замирини эл манфаати деб англанг! Ўз манфаатингизни эса ана шу мустаҳкам пойдевор устига қуринг. Бундай қаср ҳар қандай тўфонларга бардош бера олади. Маҳоратли ўқитувчининг энг муҳим фазилати шундаки, у ўз шогирдларига билим ва кўникмаларингигина бериб қўя қолмайди. Билимни ўзлари мустақил эгаллай билиш санъати билан ҳам қуроллантира олади. Мана шунда билим қасрингиз нур сочиб турмоғи лозим...».

Мен умримнинг охирига қадар мана шу васиятга содиқ қолишга аҳд қилиб, қўлимга синф журнали ушлаганман.

— Турғунлик йиллари ва унинг аямажуздай дилни эзадиган шабадаси ҳақида нималар дея оласиз.

— Бу ҳақда кўп гап айтиш мумкин. Дадамнинг вафотидан сўнг унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида 1964 йилнинг 27 ноябрида Андижон район Совети ижроия комитетининг 331/23-сонли қарори билан Султон Тўрахонов ташкил этиб, биринчи муаллими, мудири, директори бўлган мана шу мактабга унинг номи берилганди. 1980 йилга келиб мактаб янги бинога кўчирилди. Шунда бирданига Султон Тўрахонов номи «В. И. Ленин 110 йиллиги» номи билан алмаштирилди. Мактабнинг айрим раҳбарлари мураббийлари номинг ўчирмоқчи бўлдилар. Кўп муаллимлар, жумладан, марҳум Абдуллажон Тўлаков, Исроилжон Аҳмедов, Муҳаммаджон Аҳмаджоновлар қарши чиқишди. Натижада, улар мукофотлардан маҳрум қилинди, партияга қабул қилинмадилар...

Қайта қуриш шамоли эсаётган бир пайтда 1990 йилнинг 31 январида мактабимизнинг 108 нафар педагоги қатнашган умумий йиғилишида билим даргоҳимизга яна қайтадан Султон Тўрахонов номи берилди. 1990 йилнинг 21 февралида эса бу қарор Ёрбоши қишлоқ Совети ижроия комитети томонидан 14/3-сонли қарор билан тасдиқланиб, район ижроия қўмитасига ҳавола қилинди. Мана, кўриб турганингиздай, икки йил давомида яна Султон Тўрахонов номини беришга лоқайдлик билан қараб келдилар. Пировард натижада муҳримиз ҳали ҳам шундоқ эскичасига босилиб ётибди...

— Сизни табрикласак бўлаверади. Барибир, Султон Тўрахонов номи берилиши ҳақидаги қарорни ёзишга мажбур бўлдилар. Улар мактаб ва қишлоқ шўроси қарорини олмаганликларини рўкач қилишиб, матбуотда чиққан газетани сўраш билан шу кунгача ишни пайсалга солиб келдилар. Бунга қандай қарайсиз?

— Аслида мактаб жамоасини табрикламоқ зарур. Бугунги кунда билим даргоҳимизда олтмиш фоиз дадамнинг шогирдлари меҳнат қилаётирлар. Узоққа бормайлиг-у, мана, икковингиз ҳам унинг ворисларидансизлар. Ойим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муаллима, ҳозирда меҳнат фахрияси, мен эса шу мактаб директори, турмуш ўртоғим — математика муаллимаси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Пўлатжон Ўмрзоқов, Мария Тагибовна Умерова, Муҳаммаджон Аҳмаджонов, Динора Ҳамроалиева, Ёқутхон Аҳмаджонова, Муҳаббат Тешабоева, Тўхтасин Солиев... эҳҳе, улар қанча! Биз улар билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

— Сизлар сулола яратувчилар сифатида тилга тушгансизлар...

— Унчалик эмас. Онам муаллима, икки опам ҳам муаллима, бири эса шифокор, укам АҚШда таълим олаётир, ҳали айтганимдай, Фотимахон Анорбоева ҳам муаллима. Бир опам — Сурайёхон олима, таржимон. Хулоса қилиб айтганда, бизни мана шундай мартабага етказган марҳум дадам — Султон Тўрахонов билан фахрланаман...

Суҳбатни
Одилжон ЭГАМБЕРДИЕВ билан Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, жуғрофия муаллими Ўлжабек БОТИРОВлар уюштиришган.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Ойни этак билан ёпиб бўлмас

МИЁНКАЛ ХАНДАҚЛАРИ ИНГРАЙДИ

ҚУЛОҚЛАР ҚИРИЛДИ, МУШТУМЗЎРЛАР ТИРИЛДИ

1917 йилда Россия ҳудудида йўқсиллар ҳокимияти ўрнатилиб, янги пролетар диктатурасининг беаёв, мудҳиш ҳаракати Туркистон ўлкасига ҳам етиб келди. Чор Россияси азобларига кўникиб, тинч яшаётган маҳаллий халқнинг тинчлиги такрор бузилди.

Босқинчи пролетар диктатурасининг ҳарбий сиёсати, муштумзўрлик асосидаги босқинчилик ҳаракати туркистонликларга қирон келтирди. Россия ва чет эл босмачиларининг беандишалик ва сурбетликлари оқибатида ўғирлик ва зўравонлик билан барча миллий бойликларимиз — тиллалар, маъданлар, обидалар, дурдона китоб ва манбаълар ташиб кетилди, Бу каби юзсизлик ва талончилик билан Шўро ҳокимиятини мустаҳкамлашни мақсад қилиб қўйган Россия босмачилари бедодлигига қарши озодлик ва мустақиллик учун бош кўтарган Шермуҳаммад, Холхўжа, Мадаминбек, Алёр каби юзлаб ватанпарварлар раҳбарлигида таркиб топган миллий армия улар талқинида «босмачи» тамғасини олдилар, бошқача қилиб айтганда, Будённий, Фрунзе, Куйбишев каби рус босмачилари раҳбарлигидаги армия — қизил аскарлар ўз шапкаларини ерли халқ лашкарига кийдирдилар — уларни ўз юртларида босмачилар деб атадилар.

Итоаткор халқимиз орасидан етишиб чиққан жасоратли миллатпарварлар баъзи сотқин миллий сояпарварлар, лўттибозлар ёрдамида қизил босмачилар томонидан қўлга олиниб йўқ қилинди. Уста ва зийрак лашкарбошилари ўз миллий эътиқодига садоқат билан, «қасосли дунё қайта келар» деган ишонч билан чет элларга қочиб кетдилар — жон сақладилар.

Хуллас, шу тартибда Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракати, эл бошчилари қизил босмачилар томонидан ваҳшийларча бостирилгач, Шўро ҳукумати, Ленин бошлиқ фирқа зўравонлари ерли халқни, мулла, руҳоний, хўжа ва бақувват оилаларни «қаеринг қичишди»га солишди — сенлармисан, янги тузумга қарши чиқадиган бойваччалар, деди.

Ана энди ерли халққа озодлик, эрк, мустақиллик, иқтисодий бутлик ваъда қилган тузум — Шўро ҳокимияти «итоаткор» мусулмонларнинг ўткир фикрли зиёлилари, алломалари, олиму фузалолари, айниқса, халқнинг тўқлигини таъминловчи бойлар, бадавлатлар, руҳонийлар — муллалар, эшонлар, хўжаларни бирма-бир қира бошладилар...

Нотинч ҳаёт бошланди. Бу даврда миллий халқларга раҳбар бўлган «доҳий» Ленин ва бу бошлиқ большевиклар партияси Шўро ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун энг аввало бойлар, ер эгалари, муллалар, эшон ва хўжалар, попларни синф сифатида «йўқотиш керак» деган қарорга келдилар. Мана, ўқинг, доҳий фикрларини, унда нима дейилибди:

«Қулоқлар, помешчиклар, подшолар, поплар... энг ваҳший, энг қўпол, энг йиртқич эксплуататорлардир. Помешчик, капиталистларга қараганда қулоқлар кўп. Шундай бўлса-да, қулоқлар халқнинг озчилигини ташкил қилади... Бу қонхўрлар уруш даврида халқнинг муҳтожлигидан фойдаланиб бойиганлар, ғалла ва бошқа маҳсулотларнинг нархини ошириб, минг ва юз минглаб пул тўпладилар. Бу ўргимчаклар уруш орқасида хонавайрон бўлган деҳқонлар, оч қолган ишчилар ҳисобига семирдилар Бу зулуклар меҳнаткашларнинг қонини ичиб, шаҳар ва фабрикаларда ишчилар қанча кўп оч қолса, шунча кўп бойидилар .Бу қонхўрлар помешчик ерларини ўз қўлларига олдилар ва олмоқдалар, улар камбағал деҳқонларни яна ва яна тутқун қилмоқдалар» (В. И. Ленин, т. 23, 203-207-бетлар).

Пролетариатнинг «улкан» доҳийси ва йўлбошчисининг қулоқларга берган ушбу таърифини «халқлар доҳийси» Иосиф Сталин ваъдага вафо тарзида қуйидагича таъриф ва талқинлар билан давом эттирди:

«Қулоқ — Совет ҳокимиятининг душмани. У билан биз чиқиша олмаймиз ва чиқишимиз мумкин ҳам эмас. Бизнинг қулоқларга нисбатан сиёсатимиз уларни синф бўлиб яшашини тугатиш сиёсатидир. Бу, албатта, биз уларни бирваракайига тугатиб юбора оламиз, демак эмас. Лекин бу биз уларни қуршаб олишимиз ва тугатишимиз керак, демакдир». (И. Сталин. Ленинизм масалалари, Тошкент, 1955, 427-428-бетлар).

Бу икки сиёсий арбобнинг Шўро ҳокимиятини сақлаб қолишни кўзда тутиб яратган ушбу таъриф ва талқинлари ғоявий ва амалий раҳбар — тоталитар тузумнинг ягона қонунбардори, большавойлар фирқа қўмитасининг мутлақ дастури ва амалий ижрочиси сифатида қўлланма бўлди. Қулоқлар деб аталувчи Ленин таърифидаги «қора» шахслар фаолиятларидаги ҳуқуқий бошбошдоқлик энди ялангоёқлар, йўқсиллар — батраклар қўлига ўтиб, ўз туз бергани, қорин тўйдиргани, ҳатто ота-онасигача ҳам ҳеч иккиланмай азоб берувчи, отиб ташловчи камбағаллар қўлида гир айлана бошлади. Улар қулоқлар — қорин тўйғизганларни беаёв қирдилар, муштумзўрлик ва қотилликнинг янгича усулларини — сўроқсиз отиб ташлаш йўлларини яратдилар. Бошқача қилиб айтганда, қозон бошида чўмич ушлаб турган шўро тузуми ва унинг тоталитар раҳбари большавойлар фирқаси бошлиқлари бегуноҳ маҳаллий миллат камбарбасталарини ўз миллати вакиллари — батрак ва камбағаллар қўли билан қирдирди. Бу қотиллар қилар ишни қилиб қўйиб, қўй оғзидан чўп олмагандай азият чекканлар оилаларига «раҳмдил» кўринишда «ҳамдард» бўла бошладилар. Нотўғри ва ёлғон ташвиқотларга учган гўл камбағалдеҳқонлар қизил босмачилар гумашталари Ички ишлар комиссарлигининг ғаламис сиёсатига лаққа тушиб, ўз халқининг донолари, бойваччалари ва ориятли кишиларини қурол билан беаёв қирдилар...

Иккинчи марта рус босқинчиларига гирифтор бўлган шўрлик туркистонликлар жойлари ва ерларига «ёрдам» учун вагонлаб босмачиларнинг думлари, ҳатто ҳожатхона тозаловчиларигача кўчиб кела бошлади. Бу «ёрдам» ва ғамхўрликнинг пойдеворида босқинчиларнинг ўз миллий манфаати, фойда орттириш, бойликларни ўзлаштириш режаси, муштумзўрликлари ётарди.

Шу ўринда атоқли тарихчи ва ўткир сиёсатдон, профессор Аҳмад Заки Валидийнинг 20-йиллар бошларида асослаб ёзилган «Туркистоннинг туганмас дарди» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 19. VI. 1992) мақоласидаги фикрларни келтиришни истардик:

«..Россия бу ерга (Туркистонга) ерли миллат бўлмоқ ва нуфус жиҳатидан ҳам кўпчиликни ташкил қилмоқ мақсади билан келганлиги учун ўзининг мужигини, аравакашини, этикдўзини, кўча супурувчисини, ҳожатхона тозаловчисини ҳам бирга келтирди. У темирйўл хизмати, машина-завод ишларини, аскарликни ўз қарамоғига олиш билан кифояланмай, ўрта туркнинг ичига, бағрига кирмоқ, ўзини улар билан тенг кўрсатиб севдирмоқ, бирга ўтириб-турмоқ, қон-қардош бўлиб кетмоқ йўлини тутди. Ўз тил ва адабиётини, музикасини, ҳатто иморатсозлигини ҳам ерликларнинг завқига мослади. Аслида рус ҳукмронлигининг ерлилар учун энг таҳликали томони ҳам шундадир. Шунга кўра, русларнинг аста-секин бузиш ва ютиш сиёсати ерликларни сескантирмайди, ҳатто баъзи ғофилларимиз буни ўзларига юксак мавқе-мартаба деб биладилар.

Туркистонда ерлашган русларга ҳар хил имтиёзлар берилиб, булар маориф ва маданият соҳасида ҳукумат ҳимоясида бўлганликларидан сўнгги юз йил давомида қозоқ ва бошқирдларга нисбатан ўн баравар олға кетдилар, бу ерлилар эса ҳукуматнинг терс тадбирларига бўйин суниб, ҳаётда тузуқ-қуруқ яшай олмаганликлари оқибатида орқада қолдилар. Илгариги Туркистонда, эски одатга кўра, аскарликка рағбат ва ҳавас бўлар эди. Ҳозир туркистонликлар аскарликдан озод этилганликлари сабабли аста-секин шижоатлари сўниб, бўшашиб кетдилар. Авваллари ўрта туркнинг муштарак бир адабий тили бор эди. Русия буни ҳам аста-секин парчалаб йўқ қилди. Шу сабабли у бугун катта харажатлар талаб этувчи салмоқли илмий асарлар, улкан қомуслар, давлат ҳужжатлари тўпламлари, қонунлар ва бошқалар нашр қилиб, муштарак турк адабий тилини қарор топтирмоқни хоҳламайди, аксинча, кун сайин рангсизланиб, куч-қувватини йўқотиб бораётган, келажак наслар, қондош-қариндошлар мутлақо тушунолмайдиган кичкина бир қабиланинг аҳамиятсиз тилини орзу этади».

МУСТАҚИЛЛИК ВА ҲУШЁРЛИК

Қувончимиз чексиз: жумҳуриятимиз озод ва мустақил бўлди. Қаранг, қирғинбарот урушларсиз, қон тўкишларсиз, иноқлик, юксак маданиятлилик билан бу ноёб асрлар давомида орзу бўлиб келган мустақиллик қўлга киритилди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, миллатимиз, халқимиз тарихида бир умр Романовлар диктатураси гирдобида — босқинида бутун бойлиги, яшаш тарзидан марҳум бўлиб келган халқимиз, 1917 йил октябрига келиб такрор иқтисодий ва маънавий қийноқлар, мутелик ва мафкуравий қашшоқликлар гирдобига ташланди: озодлик, мустақиллик, маърифат томон интилган кишилар аёвсиз, бераҳмлик билан қириб ташланди. Шу йўсинда бутун хомашёмиз, бойликларимиз, обида ва ёдгорликларимиз Россия томонга — Шўро ҳокимияти қароргоҳига ташиб кетилди; босқинчи тўралар Ўзбекистоннинг бепоён боғ-роғлари, соясалқин ўлкаларида андишасизларча мириқиб дам олдилар. Ночор ерли халқ эса ўз мулки ва об-ҳавосидан маҳрум бўлиб келаверди...

Энди дўппини ёнга қўйиб ўйлаб кўрайлик. Мустақиллик қўлга киритилгач, ўлкамиздаги барча бойлик, табиат инъомлари ўзимизники бўлди, энди ўзимиз хўжайин бўлдик. Бу қанда яхши!.. Лекин не-не машаққатлар билан қўлга киритилган ноёб бойлигимиз — мустақиллигимизни фақат ҳимоя қилишимиз шарт. Ўзбекистондек буюк бир ўлканинг битмас-туганмас бойликларидан маҳрум бўлган босқинчилардан ҳар қандай вазиятда ўта эҳтиёт бўлиш, жумҳуриятимизни улар ҳамласидан зийраклик билан ҳимоя қилиш энг муҳим масаладир. Ахир бизлар Болтиқбўйи халқлари эмасмизки, ўз ҳақи, мулки ва қадриятларини мардонаворлик ва юксак жасорат билан ҳимоя қилсак! Худо кўрсатмасин, мазахўраклар бош кўтариб қолгудек бўлса, «ўзбек»лигимизга бориб «қуллуқ» қилиб турсак, раҳимдиллик қилсак, ишонаверинг, мазахўраклар зудлик билан ҳокимиятни қўлга олиб, овоз чиқарган дарға борки, 30-йиллар безориликларини қўллаб қатор қилиб отиб ташлайдилар; такрор қатағонлар бошланади. Тоталитар тузум тикланиб, унинг тўраларига чопон кийдирувчи иккиюзламачи, хоин, миллий бесуяклар пайдо бўлади. Ҳа, бу айтилганлар тарих сабоқлари, буни ҳаёт кўрсатган. Шу сабабли ҳам мустаҳкам иродали чегарачилар, зийрак қўриқчилар, мардонавор ҳимоячилар, ўткир фикрли миллий лашкарбошилар тайёрлаш асосида мустақиллигимизни сақлашимиз лозим, деб ўйлаймиз. Эндиликда барча халқимиз ва миллатимиз бир ёқадан бош чиқариб, иноқ бўлиб яшашини хоҳлаймиз. Агар биз ўша 20, 30-йилларда босмачилар ва уларнинг бошлиқлари деб ном олган, аслида миллий озодлик ҳаракатининг камарбасталари, доҳийлари, мустақиллигимиз йўлида жон фидо қилган, чет элларда жон сақлаган алломаларимизга мададкор бўлиб босқинчиларга беаёв ўт очганимизда, миллий мустақиллигимиз ўша даврлардаёқ таъминланган бўлур эди. Қўл қовуштиришлар, ноиттифоқлик, иккиюзламачилик ва сотқинликлар биргина жумҳуриятимизда бир неча ўн минглаб бегуноҳ кишиларнинг қирилиб кетишига, отиб ташланишига олиб келди.

Қаранг, бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов қандай муҳим ва қимматли ҳужжатни келтиради: «1937—1939 йилларда ички ишлар халқ комиссарлиги идоралари инқилобий қонунчиликни жуда қўпол тарзда буздилар ва оёқ ости қилдилар. Бундай бедодлик кейинги йилларда ҳам, то 50-йилларга қадар давом этди. Сира айби бўлмаган ҳалол одамлар кўплаб қамоққа олинди ва қириб ташланди.

Сталин шахсига сиғиниш йиллари Ўзбекистон халқлари бошига оғир кулфатлар солди. 1937—1939 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг «учлик»лари томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Жумладан, 37 минг нафардан кўпроғи судланди, 6 минг 920 киши отиб ташланди. Умуман 1939—1953 йилларда 61 минг 799 киши қамалди. Жумладан, 56 минг 112 киши турли муддат билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди, 7 минг 100 киши эса отиб ташланди» (И. Каримовнинг Ўзбекистон Компартияси фавқулодда XXIII қурултойда қилган доклади. «Халқ сўзи», 1991 йил 17 сентябрь).

Айтиш мумкинки, адолатсизлик қурбонлари ҳақидаги ушбу рақамлар коллективлаштириш — 1929—1933 йиллар орасидаги хунрезликлар олдида урвоқдир. Бу даврда отиб ташланганлар, тириклайин кўмиб юборганлар, очликдан, қийноқдан ўлиб кетганларни ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, бу рақам биргина Каттақўрғон районининг Миёнкал оролида бир неча ўн мингларни ташкил этади. Колхоз тузуми даври — коллективлаштириш онлари домлалар, муллалар, хўжалар, бойлар, ўртаҳолларни «қулоқ» тамғаси билан шу ҳудудга олиб келиб йўқ қилиб ташланди. Шу йўл билан Шўро ҳокимиятини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун, Сталин таъбири билан айтганда, бой, ер эгалари, муллалар, руҳонийлар табақаланиши «томири билан юлиб ташланди... қулоқлар тор-мор бўлди, колхозлар тузилди...» («Ленинизм масалалари,» Т., 1955, 443-бет).

Хуллас эндиликда ана шундай бедодликлар, адолатсизликлар қурбони бўлган халқимиз пешонасида қуёш порлади — мустақил бўлдик. Бу улуғ ғалабани сақлаб қолиш учун мутлақо ҳушёр бўлайлик.

(Давоми бор.)

Эртанги муаллимнинг бугунги ишлари

Муаллимлик машаққатли, аммо фахрли қасб эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Моҳир муаллим бўлиб етишиш, йиллар давомида олинган назарий билимларни амалда синаб кўришда педагогик амалиётнинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам мактаб тўғрисидаги ҳужжатларда педагогик амалиётнинг талаба ҳаётида тутган ўрни, уни тўғри, самарали ташкил этиш масаласи алоҳида таъкидланган.

Педагогик амалиёт тажрибали, моҳир муаллимларга эга бўлган мактабларда ўтказилгандагина яхши натижа беради. Бунинг асоси педагогик дорилмуаллимлар тайёрлайдиган олий билимгоҳларда яратилади. Шу ўринда мен яқинда дорилфунунга айлантирилган Қўқон муаллимлар олий билимгоҳи филология куллиётининг юқори босқичида педагогик амалиёт қандай амалга оширилгани тўғрисида фикр юритмоқчиман.

Муаллим бўлишни астойдил ният қилган тил ва адабиёт куллиётининг 5-босқич талабалари икки гуруҳга бўлиниб, шаҳардаги 23 ва 28-ўрта мактабларда педагогик амалиётда бўлдилар. Улар, аввало, олий билимгоҳда шу масалага бағишланган анжуманда иштирок этишди. Унда куллиёт декани Ж. Абдуллажонова, амалиёт мутасаддилари М. Йўлдошев, Р. Ашуров, Р. Саидова ва услубшунос муаллимлар педагогик амалиётнинг мақсад ва вазифалари ҳақидаги фикрларини тинглашди, сўнг ишга киришишди.

Талабалар биринчи ҳафтада ўқувчилар, синф журналлари, она тили ва адабиёт фанлари, тарбиявий ишлар юзасидан тузилган иш режалари, фан хоналарини, техника воситаларини билан танишдилар. М. Қодирова, М. Алиева, Ҳ. Умарова, З. Комилова, Р. Сайфиддинова, Ҳ. Бегматова каби тажрибали муаллимларнинг дарсларини кузатишди.

Талабалар иккинчи ҳафтадан бошлаб, бириктирилган синфларда дарс ўтишди. Машғулотларда ўзлари ясаган жадваллардан, мавзуга мос тушадиган суратлардан, магнитофон, кодоскоп, фильмоскоп сингари техника воситаларидан фойдаландилар. Натижада С. Исмоиловонинг «Ҳаракат нотми» (5-синф), У. Парпиеванинг «Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар» (9-синф), М. Акбарованинг «Кучайтирма сифатлар» (6-синф), З. Муллачаеванинг «Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди» (9-синф) мавзуларида ўтказган дарслари намунали деб топилди.

Кафедра профессор-ўқитувчиларидан И. Пўлатов, О. Бозоров, Р. Шукуров, Н. Пўлатов, И. Солмонов, Ҳ. Абдуҳамидоваларнинг ҳиссалари сезиларли бўлди. Улар мактабга келиб, талабаларнинг дарсларини кузатишди, таҳлил қилиб, камчиликларини айтишди ва фойдали маслаҳатлар беришди.

Талабалар мактабнинг тарбиявий ишларида ҳам фаол қатнашдилар. Улардан И. Абдувалиеванинг «А. Навоий тарбия ҳақида» (6-синф), Н. Тиркашевнинг «Меҳнат — фаровонлик манбаи» (5-синф), Г. Қобиловонинг «Кийиниш маданияти» (7-синф), мавзуларида ўтказган синф соатлари, айниқса, қизиқарли, мазмунли бўлди. Уларда магнитофон, рангдор расмлар қўлланилди.

Куллиётнинг 5-босқич талабалари педагогик амалиёт чоғида 50 соат мустақил дарс, 100 соат синф соати ўтдилар, 700 соат дарсни кузатдилар ва таҳлил қилдилар. 400 дан ортиқ кўргазмали қурол тайёрладилар, машғулотларда 1000 дан зиёд расмни намойиш қилдилар.

Энди баъзи таклифларимни айтмоқчиман.

4-босқич талабаларнинг педагогик амалиётини 1 февралдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Услубшунос муаллим - мактабда камида 10—15 йил дарс берган бўлиши лозим.

4 ва 5-босқич талабаларнинг педагогик амалиётига она тили ва адабиётдан бир услубшунос раҳбарлик қилиши керак. Бўлмаса, у 2 соатдан кейин, вақтим тугади, деб кетиб қолади.

Муаллим бир кунда 5—6 соат дарс бергани ҳолда, талаба икки кунда фақат бир соат дарс ўтади. Бу талаба учун жуда оз. У ҳар куни 1—2 соат дарс ўтиш малакасини ҳосил қилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

М. МИРФАЁЗОВ,
Қўқон педагогика олий билимгоҳининг катта муаллими, педагогика фанлари номзоди.

Тошкент шаҳри ёнидаги «Аранча» аэродромида ўқувчиларнинг ракета модел спорти бўйича ўтказилган республика мусобақаси ҳозирда машҳур авиаконструкторларнинг қачонлардир ёш бола бўлганлигини яна бир бор тасдиқлади. Беллашув мезони ҳисобланган ракетанинг қанчалик баланд учиши ва давомийлиги бўйича яхши кўрсаткичларга эришган хоразмликлар бу сафар ғолиб келишди.

Тасвирларда: мусобақадан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ суратлари.

МАКТАБГА БАХШИДА УМР

Одамларга яхшилик қилиш ҳаётий эҳтиёжига айланган киши чин инсондир. Бундай инсон одамларга яхшилик қиламай яшай олмайди. Дунёдаги энг улуғ зот одам боласининг қалбига нур ёғдиришни, билим машъалини ва маърифат гулларини улашишни ўзининг мурод-мақсади деб билган фидойилардан бири устоз мураббий, марҳум Эргаш ака Абдураҳмоновдир.

Киши ўз ишига бутун вужуди билан берилса, касбини чуқурроқ эгаллаш учун тинмай изланса, ўқиса, ўрганса, шундагина умумхалқ ишига баракали улуш қўша олади ва атрофдагиларнинг ҳурматига сазовор бўлади. Эргаш ака ана шундай эъзозли кишилардан эди.

У умрининг охирига қадар ўрта мактабда ишлади. Ўзининг ишчанлиги, яхши инсоний сифатлари билан мактаб жамоаси ва ота-оналар ўртасида яхши обрў қозонган Э. Абдураҳмонов тарбиявий ишларни доимо яхшилашга ҳаракат қилди. Хуллас, таълим-тарбиянинг самарали бўлиши учун куч ва билимини аямай меҳнат қилди. У киши бу борадаги хизматлари учун «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони ва бошқа ёрлиқлар билан тақдирланди.

Халқимизда «яхшидан боғ қолади» деган нақл бор. Ҳа, устоздан боғ қолди. Эргаш аканинг минглаб шогирдлари орасида олимлар, ёзувчи-шоир, ўқитувчи, хўжалик раҳбарлари, муҳандислар, агрономлар, зоотехниклар ва соҳибкор боғбонлар кўпдан-кўп топилади. Уларнинг ҳаммаси ҳам устоз боғининг асл меваларидир.

С. ПАРДАЕВ,
Чироқчи районидаги Муқимий номли мактабнинг 1-тоифали тарих ўқитувчиси.

БОШ ОМИЛ

(Бошн 1-бетда).

келмай қўйди, бир неча бор уйига бордим, онаси билан суҳбатлашдим, лекин натижасиз, отасини шом намози пайтида масжидда пойлаб, кўнглига йўл топишга уриндим. Шунда диндор ота қизини эрга бермоқчи эканини билдирди. Шунда мен унга «ҳурматли фалончи ака» сиз ва сизга ўхшаганлар фарзандларини мактабдан айириб олиб пул топиш, ҳужрада ўқитиш ёки эрга бериб юбориш йўлини тутсалар. 15 — 20 йилдан кейин жумҳуриятда нима бўлади, дедим. Жавоб беролмай ота ҳайрон. Мен фикримни давом эттирдим: Пайғамбаримиз «Илм гарчи Хитойда бўлса ҳам интилинглар, чунки илм олишга интилиш ҳар бир мўминга фарз» деган ҳадисларига зид иш тутмоқдасиз. Агар мўмин-мусулмонман дейдиган бўлсангиз, Қуръони карим ва ҳадиси шарифга амал қилиб, ўзингиз илмга даъват қилиш ўрнига, бунинг аксини қилсангиз, Сизнинг мусулмонлигингизга ҳам шубҳа бор. Аллоҳ таоло Муҳаммад Алайҳиссаломга қилган биринчи хитобида «Иқра» (Ўқи) деган. Расули Акрам саллаллоҳу Алайҳи вассалом умматларга қарата «Бешикдан то қабргача илм ўрганинг» — деганлар. Юқоридаги икки ҳадис мусулмонларни ухробий илм билан бир қаторда дунёвий илмларни пухта эгаллашга даъват қилаётган бир пайтда имзо қўйиш билан пул санашни ўрганиб олса бўлди-да, — десак қандай мусулмон бўламиз. Юқоридаги суҳбат натижаси ўлароқ дарсга қатнамай қўйган қатор қизлар, ўғил болалар мактабга қайта қатнай бошладилар. Биз мустақил давлат сифатида жаҳон миқёсида иш юритишни ният қилиб, жаҳон стандартига мос маҳсулот ишлаб чиқаришга эришишни орзу қиларканмиз, ухравий илмлар билан дунёвий илмларни пухта эгалламоғимиз даркор, зеро, жумҳуриятимиз билимли мутахассисларга ниҳоятда муҳтож.

Президентимиз И. А. Каримовнинг Туркияга сафари чоғида имзоланган ҳужжатлар ичида Туркия ҳукумати ҳар йили 1000 нафар Ўзбекистон фуқаросини ўқитиб бериш мажбуриятини олганлиги ҳақидаги ҳужжат асосида толиби илмларнинг дастлабки гуруҳи сафарга жўнаш арафасида турибди. Жаҳонга Беруний, Хоразмий, Бухорий, ибн Сино, Амир Темур, Навоий, Улуғбек, Машраб, Чўлпон, Фитрат сингари алломаларни етказиб берган Мовароуннаҳр замини эндиликда илмда бошқалар кўмагига муҳтож бўлиб турса.

Ҳафталик дарслар миқдорини 24 соатга келтириб, мажбурий фан сифатида она тили ва адабиёт, математика, тарих, жисмоний тарбия, чет тили (араб, форс, инглиз), дин ва ислом тарихи ўқитилса, қолган фанларни ихтиёрий қилиб қўйилса-ю, V-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг қизиқиши, иқтидори ва интилишига қараб гуруҳларга бўлиб ўқитишни жорий қилсак. Халқ таълимига маблағ сарфлашни кўпайтирмоқ лозим. Хоҳ шаҳарда, хоҳ қишлоқда замонавий техника воситалари билан тўла таъминланган мактабларда бутун вужудини ёш авлодга илм беришга сарфлашга тайёр бўлган фидокор муаллимлар меҳнати туфайли яқин келажакда халқ таълимига сарфланган маблағ ўз самарасини беришига имоним комил. Шунда ҳозирги кундагидек турли баҳона ва йўллар билан мактабдан кетувчилар камаяр ва мактаб остонасидан ўқувчи дунёвий ва диний билимларни эгаллаб, жамият учун фойдали шахс бўлиб етишар эди. Ривожланган мамлакатларда халқ таълимининг тараққиёт тажрибаси шундан далолат беради. Яна бир муаммо: ишлаб чиқариш корхонасида ишчи бракка йўл қўйса, қатор имтиёзлардан маҳрум этиларди. Чунки ишдаги нуқсони дарҳол кўзга ташланади. Мактабда-чи, яхши ишлаган ҳам, ишламаган ҳам бир хил ойликни олаверади, натижада савияси паст ўқитувчилар кўпаймоқда, болаларимиз саводсиз бўлиб қолмоқда. Олий ўқув юртларида ўқиётган талабаларнинг асосий қисми таниш-билишчилик ва порахўрлик йўли билан ўқишга кирганлар. Соф виждонли олимлар хафа бўлишмасин-у, анчагина ўқитувчи порахўр, синов ва имтиҳонлар учун талабалардан (хусусан, сиртқи бўлимларда) пул олиб баҳо қўйиб беради. Мактабга келган бундай мутахассис қандай дарс беришини кўз олдингизга келтиринг. Ва, ниҳоят, ўқитувчи опа-сингилларимиз хафа бўлишмасин-у, мактабда ишлаш уларга оғирлик қилиб қолди, шекилли. Бир ўйлаб кўрайлик, оилада бола-чақа, уй-рўзғор ташвиши, маҳалла-кўй, қариндошуруғдаги иссиқ-совуқ маъракалар, мактабда таълим-тарбия, паст ўзлаштирувчилар билан ишлаш, келмаганлардан хабар олиш, ўз билимини тинимсиз ошира бориш, боз устига ўқитувчи етишмайди баҳонаси билан 25 — 30 соатдан дарс бериш, Сизларга қийинлик қилмайдими, — десангиз, — нима қилайлик, пул керак-да, ҳаммасини уддалаяпмиз-ку, — деб жавоб беришади. Бунинг устига синф раҳбарлиги ҳам сақлаб қўйилган, бечоралар буни ҳам уддалашади. Иссиқ тан, касал бўлмайман, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Лекин 25 — 30 соат дарси бор аёл ўқитувчи ўзи ёки боласи касал бўлиб қолса (хусусан, ёш болалар тез-тез касал бўлиб туришини ҳисобга олинса), улар ишлайдиган, синф раҳбари бўлган синфлардаги билим ва тарбиявий ишларни тасаввур қилаверинг. Эркак ўқитувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириб, мактабларда улар сафини кенгайтириш чораларини кўриш лозим. Олий ўқув юртларига талабаларни пул ўтказиш йўли билан ўқитиш ҳақида фикрлар айтилиб қолди. Ахир бу усулда ўқитиш тенгсизликни яна кучайтиради-ку, пулдорларнинг фарзандлари олий маълумот олиб, камбағал-қашшоқларнинг иқтидорли фарзанди ўқишга кира олмайди. Чаласавод мутахассислар янада кўпая беради. Бу эса жамият тараққиётига ўзининг салбий таъсирини ўтказа боради.

Ғ. МИРАБДУЛЛАЕВ,
Наманган шаҳридаги 24-ўрта мактабнинг 1-тоифали тарих ўқитувчиси, меҳнат фахрийси.

ТАЛАБАЛИК

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Эй фарзанд, агар шоирлик қилмоқчи бўлсанг, ҳаракат қил, токи сўзинг осон ва фойдали бўлсун, ғомиз (тушунилмайдиган ва ноаниқ) ва мушкул сўздин парҳез қилғил ва ўзинг билиб ўзгалар унинг шарҳига муҳтож бўлғудек сўзни айтмағил, нединким шеър айтғон киши халқ учун айтур ва ўзи учун айтмас. Бир хил вазн ва бир хил қофияга қаноат қилмағил, санъатсиз ва тартибсиз шеър айтмағил. Шеърда зарб, яъни оҳанг, яхши садо, мунг бўлса ва шаклда алъал бўлса, яъни вазни тўла бўлса, яхши бўлур. Шоирларнинг расми-одатига кўрə уларнинг санъатларидан ғофил бўлмағил, чунончи, шоирларнинг зарур усуллари шулардан иборат: музавваж (бирлаштирувчи), (Қавс ичидаги таржималар бизники — С. Д.), мужонис (ўхшаш), мушокил (шаклдош), мукаррар (такрор), мусаммат, муставий (тенг), мушшобеҳ (ўхшаш), музмар (яширин), мулавван (бўялган), мувассал (уланган), муқаттаъ (кесик), мустаҳзод (қарамақарши), мустаор (кўчма маъноли), муздаваж (бирлашиш), мувозана (баробарлик), музмин (эскирган, ҳаракатдан қолған), мусажжаъ (қофиядош), мувашшаҳ (зийнатланган, безалган), мавсул (қўшилган), мухаллаъ, мустаҳиёт (бўртмоқ), мустаҳил (мумкин эмас), зуқофиятайн (қўш қофияли), ражази мақлуб (ҳарбий мазмундаги шеърларни декламация қилиш), мақлуб (тескари), мутобиқ (уйғун), муташобиҳ (ўхшатиш), мураддаф (радифли) ва буларга ўхшаш нарсалар.

Аммо сўзингнинг баланд (таъсирчан) бўлишини истасанг ўт, олов (киноя, истеҳзоли) сўзларни ишлатмағил, лекин бошқача қилиб, яъни мумкин қадар сўзни истиорот шаклида ишлатғил ва кишилар тушуниши мумкин бўлғон тил била баён қилғил. Мадҳда истиоротни ишлатғил, агар ғазал ёзмоқ бўлсанг, осон, равон ва латиф сўзлар била ёзғил ва машҳур қофиялар била музайян қилғил, совуқ ва ғариб вазнлар, қофияларни қўлламағил, ошиқона, латиф сўзларни илкингдан бермағил ва яхши масалларни ҳам унутмағил. Шундай ёзсанг, токи хос (юқори табақа) ва авом (умум, оддий қишилар)ға хуш кўриниб, шеъринг машҳур бўлғай.

Оғир вазн ва аруз била айтмағил, нединким аруз ва оғир вазн ўзи оғир ва совуқ (табиатли) ва латиф лафз ҳамда зариф маънидан ожиз бўлғон одамларга яхшидур. Агар бирон киши аруз вазнига талабгор бўлса, бу вазнда шеър ёзишинг мумкин. Аммо яхши шеърни шоирлик, алқоб (лақаблар) ва нақд илми била ўрганғил. Токи агар шоирларнинг орасида мунозара бўлса, ё сенинг била бир киши фикрини очиқдан-очиқ сўзласа ёки сени синаб кўрса, ожиз бўлмағайсан. Арузнинг доираларини ва уларнинг номларини, доираларда пайдо бўладиғон баҳрларнинг отларини билғил.

Ҳар сўзники шеърда айтмоқ бўлсанг, мадҳия, ғазал, ҳажв ёки марсия ёзмоқ бўлсанг сўзни батамом ва мукаммал ишлат, ҳаргиз сўзни нотамом айтмағил. Насрда айтилғон сўзни назмда айтмағил, нединким насрий сўз раият манзиласидандур, назм эса подшоҳ мартабасидандур. Агар бирор нарса раиятга лойиқ бўлмаса, подшоҳга ҳам лойиқ эрмасдур.

Ғазални гўзал ва равон айтғил, мадҳ айтишда қави дил ва баланд ҳиммат бўлғил. Ҳар одамга лойиқ сўзни ва ҳар кишининг қадрига мувофиқ шеърни билиб ёзғил. Ҳар одамда диловарлик (қаҳрамонлик) бўлмаса, уни шижоат ва баҳодирлик била тавсиф этмағил ва агар ҳар одамки белига ҳаргиз пичоқ осмағон бўлса, унга шамшир била шерни ўлдирурсан, найза била Бестун тоғин ҳар қиссада ўзингни банда ва ходим деб кўп айтмағил, агар мадҳ қилғон кишинг шул сўзга лойиқ бўлса, айтғил. Ҳажв қилмоқни одат қилмағилки, ёмон бўлур... Гарчи шеърда муболаға ва дуруғни яхши дерлар, лекин ундай бўлса ҳам, дуруғни ҳаддан оширмағил, дўстларнинг, муҳташамларнинг баланд мартабали эканини айтмоқни вожиб билғил. Аммо ғазал ва марсияни бир тариқда, ҳажв ва мадҳни бир услубда ёзмағил. Ҳар вақт бир кишини мадҳ ва ситойиш (мақташ) қилсанг мадҳнинг зиддин айтмағил, нединким мадҳнинг зидди ҳажв бўлур. Ғазал ва марсияда ҳам шундоқдир.

Ҳар на ёзмоқ бўлсанг, ўз таъбинг била ёзғил ва ўзгаларнинг сўзини такрор қилмағил. Агар шундоқ қилмасанг, ундан кейин табиатинг очилмағай, шеър майдони сен учун кенг бўлмағай ва шеър ёзишда аввалги аҳволингда қолурсан.

Таъбинг очилиб, шоирликка қодир ва моҳир бўлғонингдан сўнг агар бир ердин бирон ғаройиб маънили сўз эшитсанг ва ул сўз сенга хуш келса, уни олиб бошқа бир ерда истеъмол этмак тиласанг (ул сўзни истеъмол қилдим деб) мукобара (кибрланиш) қилмағил, яъни баланд парвоз гапни истеъмол этмағил. Агар одамларнинг сўзи ўзини мадҳ қилиш била боғланса, сен уларнинг мақташларифа қарши ул сўзни ҳажвда келтирғил. Агар у ғазалда бўлса, сен марсияда келтирғил, токи киши бу сўзларнинг қайси ердан олинғонин билмай қолсин.

Агар мақтаниш, мамдуҳ талаб бўлсанг ва бозор ишин қилсанг, мудбирруй (толесиз) ва палид жома (ифлос, кир кийим) бўлмағил. Ҳамиша тоза рўй (очиқ чеҳрали) ва хандон бўлғил. Нодир ҳикоятларни ва кулгили сўзларни эсда сақлағил, чунки мамдуҳнинг олдида шоирнинг бундан бошқа чораси йўқдир.

КОБУСНОМА:

ШОИРЛИК РАСМИ ЗИКРИДА

ЭЪТИҚОД

Минг бóра этгумдир имонга таъзим,
Яккаю-ягона яздонга таъзим.
Ки олам мулкини яратгучи сен,
Насибу-қисматни таратгучи сен.
Яна бор таъзимим ота-онамга,
Ватаним, элатим, кулба-хонамга.
Беназир, нурафшон кўкдаги қуёш,
Қай муъмин этолди, сенга неча ёш.
Офтобнинг ҳаққига дуо этгумдир,
Лек олам асрорин билмай кетгумдир.
Яздонга аёндир фақат бул асрор,
Ки гардун айлангай яна неча бор.

МУРАББА

Зарқ ила ютуғда бадхун нодон,
Новаким йўллайди нишонга пинҳон.
Мухтасиб илкига тушган чоғида,
Кохишдан бўлғуси аҳволи ёмон.
Зарқ — макр, ҳийла,
Кохиш-тушқунлик, қийин аҳволда қолмоқ.

Анвар САЙРАМИЙ,
Қозоғистон жумҳурияти Чимкент вилояти, Сайрам районидаги Ҳамза номли мактаб ўқитувчиси.

ҚАРДОШ ЖУМҲУРИЯТЛАРДАГИ МУАЛЛИМЛАР ИЖОДИДАН

ТУШИНГИЗ ЎНГИДАН КЕЛСИН

XXI аср муаллимига мактуб

Азиз ҳамкасбим! Мана, бахт кулиб боқиб, сен бугун ҳамма қулайликларга, замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган, бой моддий базага эга бўлган ажойиб мактабда меҳнат қилмоқдасан. Кўриб ҳайрон қолдим. Битта тугмачани боссанг, синфхонанг қоронғулашади, бошқасини турт-санг, қаердандир овозлар эшитилиб, экранда турли тасвирлар пайдо бўлади. Дарсларингда ўқувчилар шундай бийронки, уларни эшитиб, дилинг яйрайди. Қара-я, шунчалик маҳоратга эга бўлиб кетибсан. Ўзинг ҳам болалар олдида уялиб қолмай деб, туну кун мутолаа қилар экансан, ҳатто танаффусларда ҳам қўлингдан китоб, рўзномалар тушмайди.

Воажаб! Мактабингнинг тозалигини қара, хоналар ёп-ёруғ. Ортиқча жиҳозлар, кераксиз нарсалар кўринмайди. Ҳаммаси ўз ўрнида. Спорт заллари майдонлари, чўмилиш ҳавзалари, кичик истироҳат боғи, мактабнинг тажриба ер-участкаси, компьютерлаштирилган хоналар...

Сенинг ишлаш учун имкониятларинг катта экан. Чунки синфингда бор-йўғи 15—20 нафар ўқувчи бор, холос. Дарс жараёнида улар билан ишлашга вақтинг етади. Бундоқ ўйлаб қарасам, мактабларингда таълим тизгини ҳам тамомила ўзгариб кетибди. Бир ёқда ижтимоий йўналишдаги, бошқа томонда эса аниқ фанлар, диний таълим оладиган гуруҳлар. Буларнинг барчаси болаларнинг иқтидорига қараб ташкил қилинибди. Ўқувчиларнинг кийимлари ҳам турлича. Уларнинг қайси гуруҳда ўқишини дарҳол билиб олса бўларкан...

Тунов куни уйингда бўлиб, замонавий мебеллар, гиламлар-у бошқа жиҳозлар «мана мен» деган ишбилармонникидан кам эмаслигини кўриб, ҳайратга тушдим.

Куни кеча бир янгилик эшитдим, Ўзбекистон мактабларининг хорижий мамлакатлар билан алоқаси янада кучаяркан. Сизлар у ёққа ўқувчи юборар экансизлар, улар эса бу ёққа...

Ҳатто қишлоқларда ҳам махсус чет тиллари мактаби ташкил қилинибди. Замонлар ўзгариб кетди. Энди, жигарим, замонга қараб иш қилаверасан, халқ олдида ўзингни оқламасанг, шармисор бўласан. Бизнинг замонлар бошқача эди. «2» қўйиш, синфда қолдириш эса мутлақо мумкин бўлмаган, мабодо шундай бўлиб қолса, «синф билан ишламагансан», деб бизни айблашарди. Ўқиган-ўқимаганга баҳо қўйиб, мактабни тугатгунга қадар «3», «4» қўйиб, қўлига етуклик аттестати ҳам бериб чиқариб юборардик. Илгарилари райқўм ёки ижроқўмда раҳбар бўлиб, урилиб кетган шахс ҳам мактабга директор, ўқитувчи қилиб юборилаверарди. Чунки дўқ қилишни эпласа бас эди.

Дўппини олиб, бундоқ ўйлаб қарасам, умрим зое ўтганга ўхшайди. Чунки мен энг зарур деб билган нарсаларни қила олмадим-да!.. Ҳамма нарса чекланган, фақат диплом бўлса, етарли эди. Сен ҳам, мен ҳам олий маълумотли, иш натижасига эса қаралмасди. Айниқса, «сиртқи» деган ўқиш бўларди. Қуриб кетсин, шу ҳам ўқиш бўлди-ю! 6 ой ўқисанг, «беш йил ўқиди, олий маълумотли бўлди», деб дипломни қўлингга тутқазиб қўйишарди. Ёмон кадрлар ҳам ғоят кўп эди-да! Энди эса ҳамма нарса бошқача. Билимнинг бўлмаса, олий илмгоҳга киролмайсан. Компьютер деган нарса бирам кўпайибди-ки... Кириш имтиҳонларини абитуриентлар унга топширишар экан. Пора деган нарса ҳам барҳам топиб, қулинг ўргилсин ишлар бўлибди. Ана шунақасига борман-да! Ҳақиқий билимдоннинг замони келибди. Бизлар эса афсуслар билан ўтдик...

А. БОЛТАБОЕВ,
Ўзбекистон райони халқ таълими бўлими методика кабинети мудири.

ТАҲРИРИЯТДАН: мазкур номани ўқиган газетхон муаллифнинг ширин хаёллар оғушида ёзган гапларидан сўнг беихтиёр, қанийди, худди шундай бўлса, дейиши табиий. Лекин бу нарса ҳозирча бамисоли туш. Ким билади дейсиз, кези келиб, бундан ҳам зиёда бўлса, ажаб эмас!..

Тошкентдаги 154-мактабда 8-9-синфлар ўртасида «Ўзбекистон тарихи»ни билиш бўйича ўтказилган очиқ дарсда ўқувчилар ўзлари учун қизиқарли ва фойдали бўлган кўпгина маълумотлар билан танишдилар. Очиқ дарсни тажрибали тарих ўқитувчиси Офтобхон Тожибоева ташкил этди.

40 йилдирки, Шокир Қосимов шу мактабда мусиқа фанидан ёшларга билим бериб келяпти. Санъатга астойдил меҳр қўйган йигит-қизлар устозларидан ҳамиша миннатдорлар.

Р. АЛЬБЕКОВ суратлари.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

1. Мустаҳкам қурилиш материали. 2. Фойдали ҳашарот. 3. Билимлар синови. 4. Ойбекнинг тарихий романи. 5. Йиртқич ёввойи ҳайвон. 6. Сўз туркуми. 7. Ўзбек миллий рақси. 8. Математик амал белгиси. 9. Ғазлама тури. 10. Озодалик матоси. 11. Кайковуснинг ахлоқий-таълимий асари. 12. Инерт газ. 13. Ўзбек классик шоираси. 14. Модданинг табиий ҳолати. 15. Табиий фан. 16. Оиладаги ўғил фарзандни кичиклар томонидан аталиши. 17. Безак моддаси. 18. «Гули сиёҳ» асарининг қаҳрамони. 19. Дам олиш ўйини. 20. Бинокорлик материали. 21. Тинчлик тимсолидаги қуш. 22. Миннатдорчилик олқиши. 23. Қорақалпоғистондаги ГРЭС. 24. Дунё томони. 25. Тўрт фаслдан бири. 26. Нок тури. 27. Таққослаш, бўлиш амалига боғлиқ ифода. 28. Полиз экини. 29. «Ўтган кунлар» асари қаҳрамони. 30. «Тўрт хонали логарифмлар жадвали» китоби муаллифи. 31. Ўлик тиллардан бири. 32. Санъат тури. 33. Волганинг ўнг ирмоғи. 34. Ўзбек халқ достони. 35. Хона жиҳози. 36. Қадимги грек олими.

Тузувчи Т. ҒАНИЕВ.



СПАРТАКИАДА ЯКУНЛАНДИ

Яқинда Қарши шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 38 та ўрта умумий таълим мактабларида спортнинг 14 тури бўйича спартакиада мусобақалари бўлиб ўтди. У икки босқичда ўтказилди. Унда 25 мингга яқин ўқувчи қатнашди.

Мусобақаларда Қ. Ўлжабоев номли 25-мактаб ўқувчилари биринчи, Ҳамза номли 19-мактаб ўқувчилари иккинчи ва Чапаев номли 8-мактаб ўқувчилари учинчи ўринни эгаллашди. Ғолиблар кўчма кубок ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Шунингдек, 2, 6 ва 43-мактабларнинг ўқувчилари ҳам спорт мусобақаларида фаол қатнашдилар.

Э. ШОИҚУЛОВ.

Сирли номлар билан номланган қишлоқлар

САКСОНКАПА

Бу қишлоқ Шаҳрисабз ноҳиясидаги Танқас дарёсининг ўнг қирғоғида — Янгиобод ва Бешкапа қишлоқларининг ёнида жойлашган бўлиб, икки қисмли жой номлари жумласига киради.

Бу жой номининг ўзаги ҳозирги кун нуқтаи назардан «саксон» сўзининг ўзидир. Кўрсатилган ўзак тарихий нуқтаи назардан (диахрон планда, албатта) икки маъноли бўлак-морфемалардан иборат бўлиши ўзбек тилининг табиатига жуда ҳам мос келади: «сакс» ва «—он». тарихдан маълумки, Ўрта Осиёда бундан икки ярим минг йил аввал яшаган массагет ҳамда шак қабилаларининг манзилгоҳлари мавжуд бўлган. Тарихчи олим, профессор И. Жабборов ўзининг «Кўхна ҳаробалар сири»номли асарида, сак, скиф, сакаравак каби қабилаларнинг Ўрта Осиё, аниқроғи, қадимий Туркистон ҳудудида яшаганини, улардан қолиб кетган моддий-маънавий ёдгорликларни турли ҳаробалар ичидан қазиб олиб асослаб берганлигини қайд этади. Шаклар, саклар, скифлар яшаган даврлардаёқ йил ҳисоби олиб борилганлигини ҳам муаллиф қазиб олинган буюмлар асосида алоҳида исботлаб берган. Тахминимизча, «саксон» сўзидаги «сак» ёки «сакс» қадимий қабиланинг номи бўлмиш «шак» сўзининг фонетик ўзгаришга учраган кўриниши бўлиши ҳам мумкин. «Ш» фонемаси товушининг «с» товушига ўтиши туркий, жумладан, ўзбек тили учун қонуний ҳол эканлигини В. В. Решетов ва Ш. Шоабдураҳмоновлар ҳам ўзларининг «Ўзбек диалектологияси» номли китобида кўрсатиб ўтишган.

Энциклопедик луғатнинг иккинчи томида (Тошкент — 1990, 155-бет) Герман қабилаларининг бири «Сакс» деб номланганлиги айтиб ўтилган. Улар Рейин-Элба дарёларининг қуйи оқимидаги ораликда, эрамизнинг V—IV асрларида яшаган. Саксларнинг бир қисми инглар билан бирга Британияни истило этишда қатнашган. Қолган сакслар 772-804 йилларда франклар томонидан бўйсундирилган. Саксония деган вилоят ҳам Олмония (Германия)да мавжуддир. Бу вилоятнинг номи «Саксонкапа» жой номининг ўзаги бўлган «саксон» сўзига жуда мос тушади. Эҳтимол, герман қабилаларининг бир бўлаги бўлган Сакс қабиласининг авлод-аждодлари Ўрта Осиёда, тўғрироғи, қадимий ўлка бўлган Туркистонда, жумладан, Қашқадарё ва Шаҳрисабз районидаги Танқас дарёлари атрофида яшаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ва аксинча, туркий қабилалардан бири ҳозирги Олмония ҳудудида анча олдин яшаб ўтган бўлиши ҳам мантиққа зид эмас, табиий ҳолдир.

Кекса отахонларнинг айтишларича, Саксонкапа қишлоғи олдин Танқас дарёсининг Янгиобод қишлоғи тарафида бўлган. Тўғрироғи, Янгиобод қишлоғи билан эски Саксонкапа қишлоғини битта катта ариқ ҳамда кўча ажратиб турган. Ариқ ва кўчанинг дарё томонидаги қисмида жойлашган уйжойлар Саксонкапа деб юритилган. Бугунги кунда ҳам бу ҳол сақланган: кексалар ва ўрта ёшли кишилар ўзларини янгиободлик эмас, балки саксонкапалик деб билишади. Унга яраша ўша жойдаги аҳолининг авлод-аждодлари бошқа жойга кам чиқиб умргузаронлик қилишган. Кўриниб турибдики, бу қишлоқ минг йилга яқин, балким, минг йилдан кўпроқ вақтни ўзида мужассамлаштиради. Қанчадан-қанча авлод, насл-насаб алмашган, турли ҳодисалар бўлиб ўтган. Аммо «Саксонкапа» номи даврнинг уммонию бўронларида йўқолиб кетмаган.

Ўзбекистоннинг районлаштириш материалларида «Саксонкапа» қишлоғи «Саксон-кала» деб нотўғри ёзилган. Чунки бирон бир жойда иккинчи қисми «кала»да иборат жой номининг қайд қилинганини учратмадик. Бироқ бугунги кунда ҳам «Саксонкапа»ни «Саксонтепа» деб ишлатиш ҳоллари рўй бермоқда. Эътиборсизлик ҳамда ота-боболаримиз дардию армони бўлиб қолган тарихимизни яхши билмаслигимиз сабабли бу ва бошқа шунга ўхшаш жой номларини ўзгартириб ёзиш ўтмиш тарихимизни оёқ ости қилиш ҳамда халқнинг анъаналарини ҳурмат қилмаслик билан тенгдир десак, янглишмаган бўламиз.

Толиб ЭНАЗАРОВ,
ТошДД ўқитувчиси.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти жамоаси ходимлари институт ҳисоблаш марказининг муҳандиси

Муинна БАҲОДИРОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги жамоаси халқ таълими ва касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси раисининг ўринбосари Асқарали Султоновга волидаи муҳтарамаси

Саври ЗОКИРОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г. — 240. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 21.20. Тиражи 10601.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.